Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 111 (21. 210) 1992 йил 5 июнь, жума ● БАҲОСИ 2 СЎМ.

ҲАРАКАТДА—БАРАКАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳар автомобиль, электр пассажир транспорти ва метросининг ишини тубдан яхшилаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш мақсадида:

1. Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, Тошкент метрополитени, Тошкент шаҳар пассажир транспорти бирлашмаси — «Ташгорпассавтотранс» негизида Тошкент шаҳар пассажир транспорти корхоналарининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат уюшмасини ташкил этиш тўғрисида юқорида зикр этилган транспорт тузилмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг таклифи қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар пассажир транспорти корхоналарининг давлат уюшмаси («Ташгорпассстранс») мустақил ишлаб чиқариш-хўжалик мажмуи бўлиб, юридик шахс ҳуқуқига эга ва у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишларига, уюшманинг Низомига амал қилади ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамжиҳатликда иш кўради, деб белгилаб қўйилсин.

Уюшма таркибига кирувчи транспорт корхоналарининг Тошкент шаҳар ҳокимига ҳисоб бериши сақлаб қолинсин.

3. Қуйидагилар Тошкент шаҳар пассажир транспорти корхоналари давлат уюшмасининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

барча турдаги пассажир транспортининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини муттасил яхшилаш, Тошкент шаҳрининг автомобиль, электр транспорти ва метросининг ишларини мувофиқлаштириш;

барча турдаги пассажир транспортини янада ривожлантириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва турларини кўпайтириш, шунингдек меҳнат жамоаларининг ижтимоий шароитларини яхшилаш борасида чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тегишли идораларга қарашли бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда амалга ошириш;

тармоқда ягона техникавий сиёсатни ўтказиш, пассажир транспорти корхоналарини қайта тиклаш ва техника билан қайта қуроллантиришга кўмаклашиш, йўловчилар ташишни ва уларга хизмат кўрсатишни ташкил қилишда бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни рўёбга чиқариш, шунингдек автомобиль ва электр пассажир транспорти ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш масалаларини қайта кўриб чиқиш борасидаги ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи қарорни ўн кун муддат ичида қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҮРТОҚ К. Н. ТҮЛАГАНОВНИ ҮЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ҮРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТҮҒРИСИДА

Ўртоқ Козим Носирович Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин ва у «Главташкентстрой» бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 июнь.

Кейинги пайтларда бозор иқтисодиёти муносабати билан ҳамма нарсанинг нархи қимматлашиб кетгани, бунинг устига пилланинг харид нархини оширишнинг иложи бўлмаётгани пиллакорларни ташвишлантириб турганди. Ҳамма ишдан кўнгли совиб, қўл силтаганлар ҳам бўлди. Аҳвол шу йўсинда кетаверса, пилла топшириш бўйича давлат буюртмаси бажарилмай қолиши хавфи бор эди. Турли материал ва ёқилғининг нархи ошгани сабабли пилла таннархи ҳам кўтарилганди. Бир килограмм ҳосилнинг ўртача харид нархи эса ўтган йилдаги 18 сўм 50 тийин ўрнига бу йил 36 сўмга кўтарилди. Бу, албатта, оз. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган қароридан пиллакорлар кўнгли таскин топди. Шу муносабат билан республикамизнинг турли бурчакларидан таҳририятимизга сим қоқмоқдалар.

КЎНГИЛ ТАСКИН ТОПАДИ

Абдураҳмон САТТОРОВ. — **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги «Ипак» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг муовини:**

— Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Тараққиёти истиқболларини мўлжаллаш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг жумҳурият жамғармасига пилла етказиб бериш давлат буюртмасини белгиланган топшириқнинг 75 фоизигача камайтириш тўғрисидаги таклифни қабул қилиб, қарор чиқаргани кўнгилдагидек иш бўлди. Энди хўжаликлар пиллакор оилаларга бемалол мўмайғина ҳақ тўлашлари мумкин. Масалан, биз уларга шундай тавсия қилдикки, шунга кўра пилла қуртини парваришлаб, мўл ҳосил топширганларга ҳар килограмм пилла учун 45 сўмдан тўланади. Ўз уйида боққанлари учун пиллакорларга ҳар килограмм пиллага ўн сўмдан ижара ҳақи берилади. Демак, жами ҳар килограмм пилла учун 55 сўмдан ҳақ оладилар. Хўжалик эса етиштирилган пилланинг 75 фоизини давлатга белгиланган харид нархида сотса, қолган 25 фоизини ва режадан ташқари тайёрланганини эркин нархда истаган жойида сотиш ҳуқуқига эга. Пировардида хўжалик пиллакорларга тўланган қўшимча пулларни шу йўл билан чиқариб олиши мумкин.

Ҳисоб-китобларга қараганда, бир қути ипак қурти уруғидан олтмиш килограмм пилла олинадиган бўлса, бунда давлат буюртмасини топширишдан (45 килограмм) келадиган даромад 1620 сўмни ташкил қилади. Хўжалик ихтиёрида қолдириладиган қуруқ пилла ҳисобидаги 5,5 килограмм хом ашё биржа нархида етти юз сўмдан сотиладиган бўлса, яна 3850 сўм даромад олинади. Демак, ҳаммаси бўлиб олтмиш килограмм пилла 5470 сўм пул келтиради, ҳар килограмм пилладан келадиган даромад 91 сўмга етади.

Хайрулла НАЗАРҚОСИМОВ — **Фориш районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги директори:**

— Аввало шуни айтмоқчиманки, бу қарор айни вақтда чиққани билан бизни қувонтирди. Чунки бу йил эрта кўкламда одамларга қурт тарқатиш қийин кечди. Ҳеч бир инсон менга бир қути қурт беринг, уни боқиб, парваришлаб, рўзғоримга унчамунча даромад қилиб олай демаганди. Шу боис биз ўзимизча пиллакорларни рағбатлантириш йўлини изладик.

Масалан, бу йил бир қути қурт уруғи тутган оилага 100 килограмм буғдойни текин, 150 килограмм буғдойни эса давлат нархида беришга қарор қилдик. Демак, икки қути қурт уруғи тутганлар ярим тонна буғдой олиш имкониятига эга бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам эълон қилинди. Биз бу қорорни бажара туриб,ўзимизнинг рағбатлантаймиз усулимизни ҳам унутмаймиз. Чунки одамларнинг ишончини йўқотмаслик керак. Уларни қанча рағбатлантирсак, шунча яхши.

М. ДОВУТОВ — **Жарқўрғон районидаги Норали Бойназаров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси:**

— Хўжалигимиз пиллакорлари республикамиз ҳукуматининг қарорини қувонч билан қутиб олдилар. Улар шу қарордан руҳланиб режани ортиғи билан бажаришди. Жами 21 тонна «кумуш тола» эл хирмонига етказиб берилди. Ҳар қути пилла уруғидан 60—65 килограммдан ҳосил олинди. Илғор пиллачилик звенолари мўлжалдагидан анча ортиқ ҳосил етиштиришди. Масалан, Хадича Шомуродова, Хўжагелди Раҳматуллаев, Авазберди Ҳусанов, Маҳмадулла Ғуломов ва бошқалар 180—200 килограммдан пилла топширишди. Хўжалигимизда яна 2 тонна пилла йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

Саъдулла ОТАЖОНОВ — **Урганч пилла уруғчилиги заводи директори:**

— Районимизда табиат инжиқликларига қарамай пилла мўл бўладиганга ўхшайди. Хўжаликларда бу йил 135 тонна, жумладан 95 тонна пилла уруғлик тайёрлаш режалаштирилган. Аммо, ҳисоб-китобларга кўра, ҳосил чўғи режадагидан 30—35 тонна кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Бу албатта, пиллакорнинг омади келганидан далолат. Агар қарорга кўра режадаги пилланинг 25 фоизи ва режадагидан ташқари ҳосилни хўжаликлар эркин нархда сотишлари мумкинлигини ҳисобга олсак, бундан пиллакор ҳам, хўжалик ҳам зарар кўрмайди, балки фойдаси кўпаяди.

* * *

Республикамизда йилнинг дастлабки ҳосили — пилла тайёрлаш қизғин паллага кирди. Қатор хўжаликлар, районлардан меҳнат ютуқлари ҳақидаги шошилинчномалар келиб турибди. Бир неча кун илгари Ангор ва Ленин йўли районлари режани бажаришган эди. Кунигеча Қашқадарёдан хушхабар келди. Косон (200 тонна), Нишон (40 тонна), Усмон Юсупов (16 тонна), Баҳористон (8 тонна) районлари «кумуш тола» етказиб бериш маррасини эгаллашди.

Ш. АНВАРОВ.

ГАП ЎРНИДА МЕҲНАТ

Асли дурадгорман. Кўп йиллар қишлоқдан шаҳарга қатнаб меҳнат қилдим, бироқ барака топмадим. Бундан уч йил муқаддам таваккал қилиб ўз фермер хўжалигимни ташкил этишга аҳд қилдим. Жамоа хўжалиги қарз учун ўн минг сўм берди, бир гектар ерни озуқа етиштириш учун ажратди. Қозоғистон жумҳуриятига бориб, зотдор моллардан олиб келдим.

Дастлабки йили хўжаликка 27 тонна сут, беш тонна гўшт топширдим. Колхоз бунинг эвазига менга яна 35 минг сўм қарз берди. Бу пулни ҳам молларни кўпайтиришга сарфладим. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшниларни ҳашарга чақириб, хом ғиштдан катта молхона қурдим. Хўжалик оиламизга «Т-28» тракторини ўшанда давлат нархида сотди, озуқа етиштириш учун яна икки гектар ер ажратди.

Ўтган йилда фермер хўжалигимни янада кенгайтирдим. Оиламиз аъзолари билан 160 та қорамолни парвариш қиляпмиз. Уларнинг куч-ғайрати билан давлатга ўтган йили 78 тонна сут, 21 тонна гўшт топширдик. Бу ман-ман деган ферма жамоаси етиштирадиган маҳсулотга тенг.

Агар вилоят давлат ва жамоа хўжаликларида ўтган йили ҳар гектар ер ҳисобига ўртача 819 литр сут, 395 килограмм гўшт етиштирилган бўлса, менинг фермер хўжалигимда бу кўрсаткич сут бўйича 12 минг 445 килограммни ташкил қилмоқда. Бундан келиб чиқадики, фермер хўжаликларини ҳамма жойда зудлик билан ривожлантириш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига кафолат берувчи тадбирлардан биридир.

Шунинг учун ҳам мен «Фермер (деҳқон) хўжалиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси»ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уни тезроқ қабул қилиш тарафдориман. Она-юртни гап билан эмас, меҳнат билан тўйдириш мумкин.

М. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги фермери.

МИНГБУЛОҚ НЕФТЬ КОНИ ЖИЛОВКОРЛАРИ, МУКОФОТ МУБОРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил 4 июндаги Фармони билан Наманган вилоятидаги Мингбулоқ конида кучли нефть фаввораси жиловлашда намуна кўрсатган ишчилар ва хизматчиларнинг катта гуруҳига Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари берилди. Фармон матни республика Олий Кенгаши ахборотномасида ва вилоят матбуотида эълон қилинади.

(ЎзА).

Андижон вилоят пахтани дастлабки ишлаш трести билан Москва вилоятидаги Шчелково фирмаси ҳамкорлигида қўшма корхона тузилди. Қўшма корхона Асака шаҳрида фаолият кўрсата бошлади.

Ҳозирча бу ерда кичик цех ишлаб турибди. Унда 150 киши меҳнат қиляпти. Цехда хотин-қизлар ҳалати, костюмлари ва болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Олинадиган фойда ҳисобига корхона кенгайтириб борилади. Таниқис маҳсулотларни кўплаб тайёрлаш кўпайтирилади.

Суратда: чевар тикувчи Муафархон Зокирова.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

РУҲЛАРИ БАЛАНД

● **Табиий офат Наманган вилоятининг бир қатор районлари каби Косонсой районн жамоа хўжаликларига ҳам жиддий зарар етказганди.**

— Бу йил биз учун оғир келди, — дейди район деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси А. Қориев. — Аслини олганда ҳар йили мана шундай қийинчиликларга дуч келамиз. Охирги табиий офатда «Социализм», «Қорасув», Ленин йўли, Тергачи қишлоқ кенгашлари, хонадонлар, хўжаликлар жиддий зарар кўрди.

Биз районнинг қайси хўжалигида бўлмайлик, ҳамма ерда табиий офат оқибатлари тугатилганлигини кўрдик. Меҳнаткашлар кайфияти яхши. Руҳлари тетик. Қийинчиликлар ортда қолди. Бу одамларнинг фидокорона меҳнати, жонбозлиги туфайли қўлга киритиляпти. Сув иншоотлари тикланди. Экинлар экиб бўлиниб, ишлов беришга киришилди. Умуман, далада меҳнат бир зум тинмаяпти. Одамлар бу қийинчиликларни бартараф этиб, йиллик режани бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙХУНОБОД «КУМУШ»И

Сайхунободлиқ пиллакорлар қўриқ Сирдарё вилоятида илғорлар қаторида режаларини уддалашиб, саксон саккиз тонналик «кумуш тола» хирмонини яратдилар. Бу йилги табиат инжиқликлари кўпчиликка маълум. Шу туфайли пиллакорларга ҳам катта синов бўлди, дейишга важ бор. Оқсоқоллар, иш билгувчилар доим имкон топар, деб тўғри айтишган экан. Ипак қуртини боқиб парваришлаш жараёнида уюшқоқлик ва омилкорлик ўз самарасини кўрсатди.

«Гулистон» давлат хўжалиги, Свердлов, Куйбишев, Қ. Султонов номли, «Победа» жамоа хўжаликлари муносиб улушларини қўшдилар. Ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда олтмиш килограммгача юқори сифатли пилла етиштирилди.

Районда пилла етиштириш ва уни топшириш ишлари давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳосилнинг 25 фоизи хўжаликларнинг эркин нархда сотиши учун ўз тасарруфида қолдирилиши кўпичлик кайфиятини кўтарди.

Шу билан бирга район хўжаликларида пахта боқиқишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ҳаракат авжи паллага чиқди. Уларнинг мақсадлари ҳамма соҳаларда илғорликни қўлга киритиш.

Д. МУРОДОВ.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЁЗИЛДИМ, БОШҚАЛАРНИ ҲАМ ШУНГА ДАЪВАТ ЭТАМАН

Мен ҳар куни эрта билан дастлабки юмушни газет ўқишдан бошлайман. Бу одатимни фарзандларим ҳам, болаларнинг онаси ҳам яхши билишади. Агар почтачи мабодо эрталаб келмай қолса газетларни дўкондан келтириб беришади. Ўзимиздаги ва ҳориждаги янгиликлардан хабардор бўлганимдан кейингина бола-чақам билан нонуштага ўтирамиз.

Эсимни танибманки, «Ўзбекистон овози» газети қўлимдан тушмайди. Мен унинг Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий воқеаларни кексаларга хос вазминлик, босиқлик ва холис баҳолашига тан бераман .Республика ҳаётини ёритишда, партияли ва партия аъзоси бўлмаган ўнлаб илғорлар тажрибасини оммалаштиришдаги ролига катта баҳо бераман.

Газета таҳририятининг шу йил 13 ва16 майдаги газетга обуна нархи ошганлиги муносабати билан муштарийларга мурожаатидан жуда таъсирландим. Менинг ўйлашимча, отахон газетимиз иқтисодий оғир аҳволга тушган экан, унга беминнат ёрдам қўлини чўзишимиз керак. Бизнинг кўмагимиз эса унга иккинчи ярим йиллик учун обуна бўлишдан иборат. Мен шахсан ўзим шундай қилдим ва бошқа муштарийларни ҳам шунга даъват этаман.

А. ТОЛИПОВ,
Шайхонтаҳур тумани ички ишлар бўлимига қарашли соқчилик хизмати бўлими 2-бригадаси бошлиғи.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

«ЖУМҲУРИЯТ» ХАБАРИ

● **Туркияда чиқадиган «Жумҳурият» рўзномаси қуйидаги хабарни босиб чиқарди:**

Туркия Вазирлар Маҳкамаси учта турк республикаси билан рухсатномасиз бориш-келиш ҳақидаги битимни маъқуллади. Туркия, Озарбайжон, Туркманистон ва Қозоғистон ташқи ишлар вазирлари рухсатнома бериш сиёсати соҳасидаги енгилликларга оид икки томонлама ҳужжатларни имзоладилар. Битимлар июль ойининг бошларида кучга киради.

ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

● **Аргентина пойтахти Рио-де-Жанейро шаҳрида она еримиз мусаффолигини сақлаш бўйича халқаро анжуман очилди.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида ўтказилаётган нуфузли анжуманда дунёнинг 185 та мамлакатидан делегациялар қатнашмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг бош котиби Бутрос Гали сўзга чиқди. У қурол-яроғларга қилинаётган харажатларнинг бир қисми сайёрамизни ривожлантириш лойиҳаларига берилиши, ташқи қарзлар эса атроф-муҳит муаммоларини ҳал этиш мақсадида фойдаланиши зарурлигини таъкидлади.

ТУРКИЯГА ТАШРИФ

● **Россия Федерацияси Олий Кенгаши раиси Р. Хасбулатов Туркияга ташриф буюрди.**

Ташриф вақтида Олий Кенгаш раиси Туркия президенти Турғут Ўзол томонидан қабул қилинди. Туркия президенти бу учрашувга катта аҳамият берилганлигини ҳамда Россия билан муносабатларни кенгайтиришга интилишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

● **Афғонистон пойтахтида вазиятнинг нотинчлиги аҳолини ташвишга солмоқда.**

Ўтган сешанба кунги жанглар чоғида 20 киши ҳалок бўлган ва 80 дан ошиқ киши жароҳатланган. Қобул кўчалари эроннараст «Афғонистон ислом бирлиги партияси» билан Расул Сайёфнинг янги афғон маъмурларини қўллаб-қувватлаётган «Афғонистонни озод қилиш ислом иттифоқи» отрядлари ўртасидаги тўқнашув майдонига айланди. Томонлар уруш ҳаракатларида зирҳли техникани ишга солдилар.

СИЕСАТ ТАНҚИДГА УЧРАДИ

● **Форс қўрфази соҳилидаги Араб давлатлари ҳамкорлиги кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари Ироқнинг сиёсатини қаттиқ танқид қилишди.**

Вазирлар Ироқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларини бажармаётганини ва жаҳон ҳамжамиятининг тўхтамларини писанд қилмаётганини таъкидладилар.

Шу ташкилот вазирлари Саудия Арабистони пойтахтида учрашишди. Учрашув вақтида қўшма баёнот қабул қилинди.

МАРСГА ПАРВОЗ ТАРАДДУДИ

● **Америка Қўшма Штатларида Марс юзасини тадқиқ қилишга мўлжалланган янги ўзюрар қурилманинг тажриба нусхаси синаб кўрилганлигини шу мамлакатнинг «Авиэйшн унк энд спейс техноложи» ҳафтаномаси хабар қилади.**

1996 йилда учирилиши режалаштирилаётган аппаратни Россия, Венгрия, Франция мутахассислари биргаликда яратишган. Янги қурилма асосан Россияда тайёрланди.

ПРЕЗИДЕНТ УЧРАШУВИ

● **Тайвань президенти ўз қароргоҳида турли мамлакатларнинг 40 нафардан зиёд олимларини қабул қилди.**

Қабул қилинган олимлар орасида хитойликлар ҳам бор. Олимларнинг уч нафари Хитой Коммунистик партиясининг аъзоларидир. Расмий шахсларнинг тасдиқлашларича, бу президентнинг хитойлик коммунистлар билан биринчи учрашувидир.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

• Мафкура, партия, ҳокимият

● Маълумки, рўзномамизнинг шу йил 8 май сонида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимининг мудири А. ЖАЛОЛОВ билан суҳбат эълон қилинган эди. У, кутилганидек мушторийлар ўртасида қизғин муҳокамага сабаб бўляпти. ХДП ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, олимлар, ёзувчилар нетма-кет қўнғироқ қилиб туришибди. Айримлари Марказий Кенгашга келиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бироқ, ҳозир ҳокимият идораларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган Халқ демократик партияси аъзолари нима учундир лом-мим дейишмаяпти. Ахир, суҳбатдаги саволларнинг кўпгина қисми уларга тегишли эди-ку!

Хўш, бу ҳақда А. Жалоловнинг ўзи қандай фикрда? Биз биринчи учрашувда бошланган суҳбатни давом эттириш учун яна унинг ҳузурига йўл олдик.

— Абдулҳафиз Мараҳимович, ҳокимият идораларининг раҳбарларидан бирортаси негадир ушбу суҳбат ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга шошилмаяпти. Бизнингча, унда уларнинг қитиқ патига тегадиган анча-мунча гаплар айтилган эди.

— Хулоса чиқаришга шошилмайлик. Очиғини айтсам, мен ҳам бироз ташвишдаман. Бир томондан, биз ўртага қўйган масалалар одамларнинг қалтис жойидан ушлаганлигидан мамнунман. Мен матбуотда вақти-вақти билан чиқиб тураман. Аммо, ёзган нарсаларимнинг бирортаси ҳам бунчалик баҳс-муҳокамага сабаб бўлмаган эди. Ҳузуримга кирган ва қўнғироқ қилган кишиларнинг ҳаммаси биз кўтарган масалаларнинг долзарблигини қайд этмоқдалар. Бунинг боиси — уларни ҳаётнинг ўзи олдинга сурган. Одамлар уларга жавоб қидирмоқдалар. Ўйлашимча, биз жавоб беришга уриниб кўрдик.

Шу билан бирга партия аъзоси бўлган баъзи раҳбарларнинг сукут сақлаётганлиги менга ҳақиқатан ғалати туюлмоқда. Иккинчи томондан, уларнинг нима учун шундай қилаётганликларини тушунса ҳам бўлади. Ҳатто яқин ўртоқларим, партиявий иш соҳасидаги собиқ ҳамкасбларим ҳам (уларнинг кўпи ҳозир ҳокимият идораларида масъул лавозимларда ишламоқдалар) жим юришибди. Мана шуниси алам қилар экан. Бу нима? Эътиборсизликми? Менимча, йўқ! Тўғриси, ҳаёт бизни эҳтиёткорлик билан иш юритишга, вазиятга қараб мослашишга мажбур қилди, шундай ҳаёт тарзига мубтало қилди. Лекин бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас. Негаки, муҳим қоидаларсиз шахсий нуқтаи назарларсиз эндиликда узоққа бориб бўлмайди.

— Гап яна айланиб, ўша манфаатларга бориб тақаляптими?

— Ҳа, шундай. Лекин бу — вазиятга қараб ўзгарадиган, ўткинчи, чуқур ўйлаб кўрилмаган ва умуман олганда, мутлоқ истиқболсиз манфаатдир.

Шу муносабат билан баъзи ғалати ҳодисалар эсимга тушади. Масалан, одамлар партияга бўлган ўз муносабатларини, у шахсий ҳаётларига таъсир этишини сезиб қолиб, тез ўзгартирганликлари диққатга сазовордир. Таъсис қурултойи ўтгач, орадан кўп ўтмай, мен жумҳуриятимизнинг юқори мартабали амалдорларидан бири билан суҳбатлашиб қолдим. Мен ундан ХДПга кирдингизми, деб сўрадим. У, мен раҳбарлик қилаётган маҳкама партиядан холи этилган, ўзим эса Олий Кенгаш томонидан тасдиқланаман, шу боис ҳаётимни партия билан боғлашим шарт эмас, деб жавоб қайтарди. Мен унга ХДП Олий Кенгашга катта таъсир ўтказади, чунки ноибларнинг кўпчилиги бизнинг партияга аъзодирлар ва улар шубҳасиз, унинг ХДПга муносабатини, албатта, ҳисобга оладилар, дедим. Шунда суҳбатдошим бирмунча ўйлаб туриб, деди: Ҳа, майли, нима ҳам қилардик, ахир, бу, бизнинг партия экан, мен ҳам унга аъзо бўлиб кираман...

Бошқа сафар йирик илмий-тадқиқот муассасаларидан бирига бошчилик қилаётган таниқли олим билан мулоқотда бўлдим. У янги партияни буткул янги одамлар тузишлари, Компартия эса умуман сиёсий майдонни тарк этиши керак, деб менга уқтирмоқчи бўлди. Мен эса, буткул янги одамлар буткул эркин ҳолда, қонунчиликка кўра, буткул янги партияни тузишлари мумкин, деб унга эътироз билдирдим. Бироқ Компартияни ўзгартириш, уни ислоҳ этиш, ёки фаолиятини бутунлай тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиш — мана шу партияга аъзо бўлган кишиларнинггина ҳуқуқидир. Суд йўли билан партиянинг таъқиқлаш эса фақат унинг фаолиятида жиноят таркиби аниқланган тақдирдагина рўй бериши мумкин. У ҳолда, дедим мен унга, сиз ҳам раҳбарлик лавозимидан кетишингиз керак бўлади. Негаки, ўз жамоангизда яқиндагина Компартияга аъзо бўлганлигингизни эслатиб қўядиган одамлар топилади. Бу мулоҳазаларим суҳбатдошимни чуқур ўйга толдирди.

Собиқ партия ходими билан мулоқот ҳам диққатга сазовордир. У янги партия эндиликда фақат тарғибот, ташвиқот ва маърифатчилик фаолияти билан шуғулланади, деб ўйлаб юрган экан. Мен унга ХДП фаолиятининг ўзагини барча янги, демократик ўзгаришларни, албатта, ҳисобга олувчи ҳамда асосий лавозимларга ўз номзодларини тавсия қилишни тақозо этувчи кадрлар сиёсати масалалари ташкил этишини, бунда у ўзининг парламентда кўпчилик ўрнига эга эканлигидан фойдаланишини тушунтирдим. Шунда у, агар унга ва бошқаларга масалани шундай тарзда тушунтирганларида эди, яна кўплаб одамлар партияга аъзо бўлиб кирган бўлур эдилар, деб жавоб қайтарди.

Албатта, мен ушбу суҳбатларда ўзим истаган ва орзу қилган нарсаларни, онгли равишда, ҳақиқатда амалга ошяпти, деган ишончда атайлаб айтган эдим. Бироқ, афсуски, ҳозиргача бу соҳадаги ишларимизда ижобий ўзгаришлар унчалик сезиларли эмас.

Бизда чинакам партиявий ўртоқлик, мустаҳкам сиёсий бирдамликнинг йўқлиги ниҳоятда ачинарлидир. Қайсидир узоқ Америкада бекордан-бекорга хафа қилинган ҳабашни бутун мамлакат оёққа туриб ҳимоя қилиши мумкин. Зероки, у ерларда агар бугун бировни хафа қилишларига йўл қўйилса, эртага бошқасини ранжитишлари мумкинлигини аллақачон тушуниб етишган. Бизда-чи? Ҳатто, энг яқин кишимиз учун ҳам кўпинча кураша олмаймиз. Таассуфки, бирдамликни ҳанузгача ўрганганимиз, уни ўзимизга жо қилганимиз йўқ. Менимча, бугунги кунда партиямизда, жамиятимизда етишмаётган асосий нарсалардан бири ҳам шу бўлса, ажаб эмас. Ахир орамизда, маслакдошлар ўртасида бирдамлик, уюшқоқлик йўқ экан, биз қандай ҳам куч бўла олардик?

ХДПга аъзо бўлган айрим раҳбарлар, ҳамонки бу партия парламент хилидаги партия экан (умуман олганда, ҳар қандай партия, моҳият эътиборига кўра, парламент хилидаги партиядир), у ҳолда фақат сайловлар пайтидагина ундан фойдаланиш мумкин, деб ўзларини овутмоқдалар. Гўёки, у бир марта ишлатиладиган тиббий игна-ки, уни фойдаланиб бўлинганидан кейин ташлаб юборавер. Юмшоқ қилиб айтганда, партия мададидан фойдаланган кишиларнинг партияга бундай муносабатини ҳатто оддийгина ахлоқсизлик, деб аташ ҳам мумкин. Партия, гарчи бу ҳам муҳим бўлса-да, аммо, у сайлов мавсуми давридаги ташвиқот жойи эмас. У ҳукмрон партия мавқеини сақлаб қолиши учун ҳамма вақт ишчан вазиятда туриши, кенг кўламда, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида сайловдан сайловгача бўшашмай, ғайрат билан ҳаракат қилиши зарур. Таъбир жоиз бўлса, сайловлар хирмон кўтарадиган пайт: нимани экканг, шуни ўрасан.

Шуниси муҳимки, эгаллаб турган лавозимларидан қатъи назар, барча партия аъзолари, агар партия сайловларда ютқазадиган бўлса, у ҳолда бу партия ўз-ўзидан жамиятда шу партиянинг қўллаб-қувватлаши туфайли юқори лавозимларга чиқиб олган раҳбарларни ҳам ўз ортидан эргаштириб кетишини билишлари ва ҳамиша эсда тутишлари зарур. Айнан шу кунларда партиямиз мухолифиятнинг иссиқ нафасини ҳис қилиб турган пайтда, буни ёдда тутиш фойдадан холи эмас. Мухолифият биз йўл қўйган ҳар қандай нуқсон, ҳар қандай хатодан ҳаялламай фойдаланиб қолади.

— Демак, сизнингча, партиянинг у ёки бу хил мадади туфайли раҳбарлик лавозимларига эга бўлган кишилар томонидан партиянинг ролини етарли баҳолай олмаслик — охир-оқибатда уларнинг ўзига зарба бўлиб тушар эканда? Яъни, улар партиянинг доимий тазйиқи, унинг «қопқоғи» остида бўларканларда?

— Фикрингиз қўполроқ бўлса-да аммо, умуман тўғри. Партия манфаатлари ифодаланаётган ва уни қўллаб-қувватлаётган кишиларнинг илғор йўл бошловчи қисмидир. ХДП аъзоларининг муқаддас бурчи — партия обрў-эътиборини сақлаш ва ошириш учун зўр бериб қурашишдан иборатдир. Партиянинг обрў-эътибори қанчалик юқори бўлса, демак, лавозимларда ўтирган ХДП аъзоларининг мавқеи ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

— Ундай бўлса ким юқори туради? Партиями ёки ҳокимият?

— Табийки, ўз-ўзидан ҳокимият юқоридир. Чунки, у бутун халқ хоҳиш-иродаси билан сайланган органдир. Бундан ташқари, партия бевосита ҳокимият вазифаларини адо этмайди. Аммо, муайян маънода партия ҳокиятдан юқори турадики, зеро, у давлат идораларини ташкилий жиҳатдан шакллантиради. Албатта, бунинг учун у аввал умумхалқ сайловларида ғалаба қозониши даркор. Партия ўзи тузган ҳокимият учун ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалаларини ишлаб беради. Демак, ҳокимиятнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан ҳукмрон партиянинг қандайлигига боғлиқ. Партия раҳбарлик лавозимларига партиянинг хоҳиш-иродасини изчил бажарувчи, унинг сиёсатини собитқадамлик билан ўтказувчи ўз вакилларини тавсия қилади.

Хуллас, партия — демократик жамиятнинг ажралмас белгисидир. Ҳукмрон партия эса ҳокимиятни ушлаб турувчи камарбастадир. Шу боис ҳокимият ўзини сақлаб қолиши учун ҳам ўз партиясини доимо қўллаб-қувватлаши керак.

— Биласизми, буларнинг ҳаммаси чиройли гаплар, орзудаги ниятлардир. Бироқ, ҳаётда бутунлай бошқача бўляпти. Кўпгина ҳокимиятлар билан партия органлари ўртасида юзага келаётган муносабатларни рисоладагидек, деб аташ қийин. Бир пайтлар партия тузилмалари ичидан тавсия қилинган ҳокимлар эндиликда ХДП идораларини сезмасликка, баъзан эса ҳатто тан олмасликка уринмоқдалар. Мен бу ерда айрим ҳокимларнинг партия органларига тўғридан-тўғри тазйиқ, уларнинг ходимларига ўз сўзларини ўтказишга уриниши ҳоллари тўғрисида гапираётганим ҳам йўқ.

— Очиғи эътироф этаманки, мен ҳам шундай вазиятларни шахсан кузатганман. Ҳокимиятлар ва ХДП органларининг бир маромда, аҳиллик билан ишлаётганликлари борасидаги қатор ижобий мисоллар борлиги шубҳасиз. Натижада, улар яхшигина самараларга эришмоқдалар. Адолат юзасидан шуни айтиш лозимки, бундай ҳоллар, афсус, қоидадан истисно тарзда бўлиб, камдан-кам учрамоқда. Улар ҳозирча, ўзаро манфаатдор икки томон ўртасидаги муносабатларнинг пишиқ-пухта тартиботига асосланмаган. Партия органларига менсимай муносабатда бўлаётган ҳокимларни ўз қариндош-уруғларини унутиб қўйган кишиларга ўхшатиш мумкин. Бу билан улар ўзлари ўтирган шохни кесиб ташламоқчи бўлишяпти. Жамиятда муайян қатламлар ҳамда партия тимсолида мустаҳкам ижтимоий ва сиёсий негизга эга бўлмаган ҳокимият барқарор, кучли бўлолмайди. Бундай ҳокиятни ҳар қандай оломон сиёсат майдонидан осонликча суриб чиқариши мумкин. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг бошқа минтақаларида юз бераётган воқеалар бунга ёрқин мисолдир.

Сизнинг таъбирингиз билан айтганда, оломон халқ эмасми?

— Йўқ, асло халқ эмас. Оломон бетартиб куч бўлиб, ундан қарама-қарши томонлар ўзларининг тор, ғаразли шахсий манфаатлари йўлида найрангбозлик билан фойдаланишлари мумкин. Оломоннинг аниқ-равшан қиёфаси бўлмайди. У — бугун бир хил бўлса, эртага бошқача тусга киради. Оломоннинг халққа айланиши учун одамлар сиёсий жиҳатдан саводхон бўлишлари лозим. Ана шундагина улар ўз раҳбарлари ҳақида, сиёсий вазият тўғрисида бехато фикр-мулоҳаза юрита оладилар. Турли нғвогарликларга учмайдилар. Хуллас, сиёсат айрим кишиларнинггина иши эмас. Фақат чинакам халқгина том маънодаги сиёсат манбаи бўлиши мумкин ва даркор. Шу боис партия ташкилотларидан жамият ҳар бир фуқаросининг сиёсатга жалб этилишига кўмаклашиши талаб этилади. Партиянинг токи ҳар бир оддий аъзоси, агар ўзини кўрсата билса, унинг раҳбарлик лавозимига тавсия этилиши мумкинлигига ишонсин. Зеро, партиямиз одамларнинг сиёсий маданияти, онглилик даражаси ошишидан ниҳоятда манфаатдордир. Негаки, фақат сиёсий саводхон халқгина оломон ҳужумига дош бера олади ва ҳокимиятни ҳимоя қилишга қодир бўлади.

— Фикрингизга тўла-тўкис қўшиламан. Бироқ, назаримда, ҳокимиятларнинг партия кенгашлари билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашишни ҳали тугатганимиз йўқ. Биласизми, ҳокимлар партиялар ва ҳаракатлардан мутлоқ мустақил бўлишлари керак, деган фикр-мулоҳазаларни эшитишга тўғри келяпти. Ҳокимларнинг айримлари ҳатто ХДПдан чиқишни ҳам ўйлаб юрганмишлар.

— Жамиятда яшаб туриб, умуман, унинг таъсиридан мутлақо мустақил бўлишни тасаввур қилиш қийин. Бу худди кучаниб, ўз терисидан чиқиб кетишга ҳаракат қилишдан бошқа нарса эмас. Умуман олганда, партиядан чиқиш ёки чиқмаслик — бу ҳар кимсанинг ўз иши. Аммо, унинг негизида енгилелпи шуҳрат орттириш кетидан қувиш ҳаракати ётмаганмикан? Лекин, бундай шуҳрат қанотида узоққа парвоз қилиб бўлмайди. Одамлар эртами-кечми, оқни оққа, қорани қорага ажратиб оладилар. Партия ташкилоти бундайларга нисбатан муросасизлик кўрсатадиган бўлса, бу ҳокимни лавозимидан четлаштириш масаласини қўйиши ва ўзининг бошқа номзодини тавсия қилиши мумкин. Бунинг учун эса сира ҳам «кўп нарса» керак эмас: партия ташкилоти халқ, сайловчилар ўртасида етарли обрў-эътибор қозонган бўлиши шарт.

— Яна партия ва халқ мавзусига қайтдик, шекилли.

— Шубҳасиз. Боз устига, партия ташкилоти муайян даражада ўз хоҳиш-иродасини ҳокимиятга ўтказишни ҳам уддалай билиши керак. Ахир, уларни халққа хизмат қилишдек олий манфаатлар бир-бирига боғлаб турибди-ку!

Амалий жиҳатга ўтадиган бўлсак, менимча, бир қатор масалалар борки, уларни аниқлаб олиш керак. Токи ҳокимият ўз партия органидан ушбу масалалар бўйича «оқ фотиҳа» олмасдан туриб, қарорлар қабул қила олмасин. Бу ерда гап ҳокимиятнинг ҳам, партия органларининг ҳам бир-бирлари олдидаги ўзаро масъулиятлари ҳақида боряпти. Биз бунда, биринчи навбатда, сайловларда партияни ғалабага олиб келган дастурий вазифалар мажмуини назарда тутмоқдамиз. Партия кенгаши ҳамма вақт асосий муаммолар юзасидан ҳокиятга киритиладиган ўз таклифларини ишлаб чиқиши, улар муҳокама қилинаётганда ўз таклифларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши лозим. Агар мазкур таклифлар қабул қилинса, уларнинг партия аъзолари томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаши, акс ҳолда — ҳокимиятга нисбатан амалий мухолифиятга ўтиши даркор.

— Партия органининг ҳокимият муҳим ва зарур масалаларни таклиф этишига қатъий ишонса бўладими? Қандай қилиб нохолисликдан қутилиш мумкин?

— Назаримда, нохолислик муайян маънода у ёки бу даражада сақланиб қолади. Бу — шу маънодаки, партия органи дастуримизда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш йўлларини олға суришга мажбурдир. Эҳтимол, бундай «нохолисликка» эътироз билдириш қийин бўлади. Негаки, аввалги суҳбатимизда таъкидлаб ўтилганидек, партиявий мақсадимиз ниҳоятда олижаноб. Бу бир томондан, Иккинчи томондан эса, партия кенгаши ҳокимият олдига иккинчи даражали, майда бўлиб кўринган масалани киритадиган бўлса, уни ўша заҳотиёқ ҳокимият ҳам, мухолифият ҳам кучли танқид остига олишади. Бошқача айтганда, шароит шундайки, партия кенгашлари ҳамма вақт энг долзарб масалаларни, одамларни тўлқинлантираётган муҳим муаммоларни олға суришга, уларни сиёсий ва мазмун жиҳатдан фақат юксак савияда ишлаб чиқишга мажбурдирлар.

Партия органлари ўтказадиган сиёсатни кенг кўламда оладиган бўлсак, вазифа янада масъулиятли тус олади. Эсингизда бўлса, олдинги суҳбатимизда бу оламда ҳамма нарсани кишиларнинг Ҳазрати манфаатлари бошқариб бориши тўғрисида фикр юритган эдик. Хуллас, партиянинг, унга аъзо бўлган ҳар бир ташкилотнинг сиёсатида, амалий фаолиятида аҳоли барча табақаларининг турли-туман манфаатлари имкони борича, тўлароқ ҳисобга олиниши зарур. Инсонпарварлик сиёсатининг асл моҳияти ҳам хилма-хил манфаатларни — маиший, оилавий, миллий ва ҳоказоларни ҳисобга олиш ва уларни бир-бирига мувофиқлаштириш маҳоратидан иборатдир. Алишер Навоийнинг:

«Одами эрсанг
демагил одами,
Оники йўқ халқ
ғамидин ғами»,—

деган ўгитларини давлатимиз расмий сиёсати даражасига кўтариш айни муддаодир. Инсонпарвар тузумнинг олий мақсади — жамиятга, унинг ҳар бир аъзосига муносиб инсоний шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат. Бундай жамиятда, менимча, Жан Жак Руссо айтганидек, шундай ижтимоий шароитлар муҳайё этилиши лозимки, токи унда бирон-бир кимса бошқа бир кимсани сотиб олиш даражасида бадавлат, бирон-бир кимса эса уни бошқа бир кимсага сотилишига мажбур этувчи қашшоқлик аҳволида бўлмасин. Мана шундагина айрим кишига яхши бўлса, барча ўзгаларга ҳам яхши бўлади. Барчага яхши бўлганда, ҳар бир айрим кишига ҳам яхши бўлади. Ушбу вазифани ҳал этиш йўлида қанча ишласа, тер тўкса арзийди.

— ХДПда мана шундай сиёсатни олиб бориш учун куч етарли эканлигига имонингиз комилми?

— Партиянинг ҳозирги аҳволидаги бор имкониятларига қараб, ҳатто бирмунча олдинга назар ташлаган ҳолда айтадиган бўлсак, муайян даражада бунга аминман. Агар келажак ҳақида гапирадиган бўлсак, кўп нарса партиянинг ўз имкониятларидан қай даражада фойдаланишига боғлиқ. Юқорида айтилганидек, имкониятлар ниҳоятда катта. Бунинг устига ХДП вакиллари ҳокимият идораларида муҳим лавозимларни эгаллашган. Бошқа томондан, очиқ айтишим керак, бизни айрим партия ташкилотларига етарли даражада раҳбарлик савиясига эга бўлмаган кишиларнинг бошчилик қилаётганлиги ҳам ташвишга солмоқда.

— Сиз буни ниҳоятда юмшоқ қилиб айтдингиз. Фикримча, баъзи партия кенгашлари раҳбарлигига, умуман олганда, иккинчи даражали, сиёсий жиҳатдан узоқни кўра билмайдиган одамлар келиб қолган. Жамиятда пешқадамлик қилишга даъвогар бўлган партия бундай аҳволга қачонгача чидаб туради?

— Албатта, чидаб турмаслиги керак. Бироқ, масалага аниқлик киритиб олайлик. Биринчидан, иккинчи даражали одамларнинг ўзи бўлмайди. Иккинчидан, агар сиёсий жиҳатдан айрим ношуд одамлар партия ташкилотларига раҳбарлик қилаётган эканлар, бу уларнинг айби эмас, балки мусибатидир. Ахир, уларни қандайдир ўй-хаёлларга, фикр-мулоҳазаларга бориб, шароит тақозоси билан тавсия қилишган-да. Бунинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб чиқиш даркор. Умуман, партия кенгашларига ёрқин сиймолар, юксак маданият ва ақл-заковат соҳиблари, одамларга, шу жумладан, ҳокимият идораларига ҳам таъсир ўтказа оладиган иродали шахслар бошчилик қилиши учун сабр-тоқат билан кураш олиб бориш керак. Уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамма жойда, ҳатто энг юқори даражада ҳам эшитилиши, баралла янграши даркор. Айнан мана шундай саркорларнинг оташ нафасини, таъбир жоиз бўлса, ҳокимларнинг ҳам энсаси ҳамиша сезиб туриши керак. Яъни партия кенгашларининг раҳбарлари, анъанавий тарзда ўзларини ҳокимлик мансабига асосий даъвогар, деб ҳис қилмоқлари ўта муҳимдир.

— Абдулҳафиз Мараҳимович, сиз ХДПнинг айрим фаоллари томонидан, партия кенгашларининг биринчи котиблари ҳокимларнинг сиёсий маслаҳатчилари бўлишлари лозим, деб айтилаётган фикр-мулоҳазаларга қандай қарайсиз?

Қоида жиҳатдан олганда, бу ғояни нотўғри, деб ҳисоблайман. Ҳокимга итоат этувчи бундай котиб амалда унга эътироз билдиришга ва боз устига партия кенгашининг қарорларини ҳокимият орқали ўтказишга журъат этолмайди. У ҳокимга сўзсиз бўйсуниб қолади. Бу билан партия органининг ҳокиятга нисбатан ўзига хос ҳукми салоҳияти ўз-ўзидан кучини йўқотади. Дарвоқе, агар маслаҳатчи керак бўлса, партия органлари вакилларидан бири бу ишни бемалол бажариши мумкин.

Биринчи котибларга келсак, улар олдида муҳим вазифалар турибди. Улар, биринчи навбатда, партия обрў-эътибори, нуфузи учун ишлашлари керак. Негаки, гап охир-оқибатда халқ манфаатларини ифодалашни ўзига асосий мақсад қилиб олган партиянинг тақдири ҳақида боряпти.

Мабодо, бирон-бир жойда, шахсий ҳузур-ҳаловатлар йўлида, юмшоқ, тавозекор одамларни танлаб олишган бўлса — бу жуда ёмон. У ҳолда қудратли сиёсий партияни вужудга келтириш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ахир КПССнинг ҳалокатга учрашига нима сабаб бўлган эди? Бу саволга, унинг раҳбариятида жасур, дадил, мустақил кишиларнинг камайиб кетганлиги ҳам сабаб бўлди, деб жавоб бериш мумкин. Мазкур партия қийинчиликларга тўқнаш келгач, шундай гарангсиб қолдики, пировард натижада, ҳатто у ўзининг қадр-қиммати ва ор-номусини ҳимоя эта олмай ҳам қолди.

— Айрим партия ходимларидан аввалги суҳбатда келтирилган фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммаси тўғри, бироқ уларни қандай амалга ошириш мумкин, деган саволларни эшитишга тўғри келди.

— Шундай бир қадимий ҳикоят бор: агар кишига битта балиқ берсангиз, у бир кун тўқ юради. Иккита берсангиз икки кунга етади. Уни балиқ овлашга ўргатсангиз — бутун ҳаёти давомида тўқ юради. Яъни кўр-кўрона ижрочилик балосидан тезроқ халос бўлиш лозим. Кўрсатмаларни кутиб ўтирмай, мустақил ўйлаб, ўз ақлидроки билан, уёқ-буёққа аланглямасдан ишлаш лозим. Қаердадир ўқиган эдим. Қадимги Юнонистонда бир киши ўзидан ёши улуғроқ, тажрибалироқ одамдан, ўйлансам бўладими, деб сўрабди. Шунда у киши, йўқ, ҳали ўйланишингга вақт эрта, дебди. Суҳбатдоши, нега, деб сўрабди. Чунки, сўрадингми, демак ҳали ўйланиш учун етилмабсан, деб жавоб қайтарган экан.

— Одамлар негадир партия органларига ўз муаммолари билан аввалгидай қадам ранжида қилмай қўйишди. Мен бунда ХДП кенгашларини назарда тутмоқдаман. Нима гап ўзи?

Одамлар одатда ҳеч нимани ҳал қилмайдиган, ҳеч кимга ёрдам бера олмайдиган, бирон-бир доно маслаҳат чиқмайдиган жойга бормай қўйишади. Аммо бизнинг одамлар кўз ўнгида заиф қиёфада туришга ҳаққимиз йўқ. Негаки, бу нарса ҳокимиятнинг ўзига ҳам зарба бўлиб тушади. Бунга, айниқса, ҳозир ҳокимият ҳам, партия ҳам оёққа туриш ва ривожланиш даврида турган пайтда йўл қўйиб бўлмайди. Шу боис оқил ҳокимият унинг ўзини вужудга келтирган партияни зинҳор инкор этмаслиги, боз устига унга қиёнат қилмаслиги лозим. Зероки, хиёнатчилардан барча нафратланади: хиёнат қурбонлари ҳам, унинг «марҳаматидан» фойдаланганлар ҳам.

Партия, қачон-ки одамлар учун жозибадор бир кучга айланса, айнан у кишиларни адолатсизликдан ҳимоя қилишни, қўллаб-қувватлашни билишса, улар албатта бизнинг партия кенгашларимизга келишади. Шу сабабли ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан инсонга нисбатан қилинган нотўғри муносабат, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишни партия кенгашларида чуқур таҳлил этилиши, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши керак. Айни пайтда, одамларнинг шикоят учун худди аввалгидек оқиб келишларини кутиш ҳам нотўғри бўлган бўлур эди...

Партиянинг кучи ҳамма вақт ундаги аъзолар сонига қараб баҳоланавермайди. Энг яхшиси, эҳтимол, энг асосийси — партияда оммани ўз ортидан эргаштира оладиган кишилар бўлгани маъқул. Бу партияда мутаҳамлар, қаллоблар бор, шунинг учун менга бу партияда ўрин йўқ, дейилишидан худо сақласин.

Партиямизда, айниқса, унинг кенгашларида мутлоқ софдил, батартиб, партиявий дастуримиздаги олижаноб ғоялар билан «касалланган» кишилар бўлишини ниҳоятда истардик. Бу одамлар ҳамма вақт юқори кўтаринкилик билан ишлашларини хоҳлардик. Нозим Ҳикмат айтганидек, агар мен ёнмасам, сен ёнмасанг, у ёнмаса, унда зулматни ким ёрита олади?

Одамлар пировард натижада ҳар бир кишининг, унинг болалари ва набирларининг фаровонлиги бошқаларнинг фаровонлиги билан узвий, чамбарчас боғлиқ эканлиги тўғрисидаги оддий ҳақиқатнинг олий моҳиятини тушуниб олишлари лозим.

— Афсуски, бугунги кунда биз бошқача ҳолатларни кўрмоқдамиз. Биз жамиятда рўй бераётган салбий воқеаҳодисаларнинг сабабларини излашга, ахлоқсизликнинг тобора авжига чиқаётганлигини кузатишга мажбур бўляпмиз. Бундай ҳоллар қачонгача давом этиши мумкин?

— Сиз назарда тутаётган порахўрлик, одибсотарлик, фоҳишабоэлик, ўғирлик ва бошқалар — ўнлаб йиллар давомида қарор топган ижтимоий муносабатларнинг, энг аввало, иқтисодиётни бошқариш тизимининг бирданига бузилганлиги оқибатидир. Буларнинг ҳаммаси замирида одамлар хоҳиш-эҳтиёжларини, оддий, маърифатли дунё усуллари, яъни инсоний йўл билан қондиришнинг иложи йўқлиги ётибди. Ахир, кўплаб одамлар фақат маошнинг ўзига, айниқса, ҳозир машина, рангли телевизор, видеотехникани сотиб олиши мумкинми? Аслида ҳамма ҳам уларни сотиб олсам, дейди.

Яхши биласиз, илгари буларнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатилган эди. Қайта қуришнинг биринчи қадами ҳам айнан мана шу назорат тизимини йўқ қилишдан бошланди. Олға қараб юрилмади. Бозорга ўтишни эса корхоналарни давлатдан холи қилишдан ва мулкларни хусусийлаштиришдан, ҳокимиятни мустаҳкамлашдан эмас, балки нарх-навони кескин оширишдан бошлашди. Демократиялаштиришни эса ҳокимиятни заифлаштириш деб тушунила бошланди. Ишонинг, ҳар қандай ҳокимият ҳокимиятсизликнинг авжига чиқиши, унинг қутуришидан афзал-ку! Демократик ҳокимият, аслида бошқа ҳар қандай ҳокимиятга нисбатан пишиқ ва мустаҳкам бўлиши даркор.

Айрим, жамоавий ёки хусусий мулк соҳибларининг мавжудлиги, ишлаб чиқаришдаги якка ҳокимликни йўқ қилиш, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатчиликни ривожлантириш — бозор иқтисодиётига ўтишнинг алифбоси бўлиши керак эди. Аммо, бу жараёнларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан юз бермайди. Давлат ўзини иқтисодиётдан четга олмаслиги зарур. Агар у ўз фуқароларининг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қила олмаса, иқтисодий вазиятга, бозорга, хусусан нарх-навога таъсир ўтказиш мақсадида етарли даражадаги зарур захираларга ва имкониятларга эга бўлмаса, буни қандай давлат дейиш мумкин?

— Мен сизнинг айтганларингизни иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилса, одамлар ноз-неъматлар билан таъминланса салбий ҳоллар ўз-ўзидан барҳам топади, деб тушундим...

— Агар шундай бўлганида эди, ҳаммаси сип-силлиқ кетар эди. Албатта, инсон учун моддий неъматлар муҳим ва у ҳамма вақт яхши турмуш кечиришга интилади. Аммо, бир нарсани аниқ-равшан тушуниб олишимиз керак. Иқтисодиёт ҳеч қачон барча инсоний муаммоларни ҳал қила олмайди. Бироқ, бутун ижтимоий ҳаётнинг асоси ҳисобланмиш иқтисодиётсиз ҳам ҳеч нимани ечиб бўлмайди. Бошқа томондан эса, инсон ўзида энг яхши ахлоқий фазилатларни мужассам этмаса, юксак маънодаги инсон бўлиб етишмаса, у ҳолда шунчаки истеъмолчилигича қолаверади.

Кўриниб турибдики, гап ижтимоий муносабатларни инсонийлаштириш тўғрисида кетмоқда. Бу маънода ижтимоий-гуманитар фанларнинг, сиёсатшуносликнинг, таълим-тарбия тегишли тизимининг обрў-эътибори сўзсиз юқоридир, деб ҳисоблайман. Афсуски, бизда бу фанларга нисбатан муносабатлар яхшиланаётгани йўқ. Жамиятшуносликнинг мусибати, аччиқ қисмати — унинг «ривожланган социализм»ни мадҳ этиш билан шуғулланганлигида бўлди. Умумий андозага тўғри келмайдиган шахсларни диссидентларга чиқариб қўйишди-ку, ахир. Бироқ, ўтмишда йўл қўйилган хатолар ҳозирги пайтда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамиятини пасайтиришга асос бўла олмайди. Бунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари илғор тажрибасига суяниш керак. Ушбу давлатлардаги маънавий қадриятлар, таълим-тарбия ва маданият тизимида ижтимоий фанларнинг улуши ниҳоятда баланддир. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримов бир неча бор алоҳида таъкидлаб ўтганидек, мустақил ўзбек давлати тараққиётнинг замонавий даражасига, ҳар бир фуқаро учун муносиб инсоний турмуш шароитини таъминлашга олиб борувчи ўз йўлини танлаб олган. Ўзгалар йўли яхши бўлиши мумкин. Лекин, барибир, ўз йўлимизнинг ундан ҳам яхшироқ бўлиши турган гап. Бунинг устига у бошқа, биринчи навбатда, қўшни ва бизга маънан яқин халқларнинг бебаҳо тажрибаси дурдоналаридан кенг фойдаланишни инкор этмайди, балки кўзда тутади. Халқимизга унинг эзгу ниятлари амалга ошишида омад тилаймиз.

Суҳбатдош
О. САИДОВ.

• МАВЗУГА ҚАЙТИБ

ЎЗИМИЗ ЎТИРГАН ШОХНИ КЕСИШ ШАРТМИ?

ЁХУД ЯНА «МАСАЛАНИНГ ЎЗАГИ НИМАДА?»ЛИГИ ҲАҚИДА

• ХДП ҳаётидан

САЙЛОВЧИЛАР ТОПШИРИҒИ

● ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг ижроия бюроси партия аъзоси бўлган вилоят кенгаши депутатларининг ўз сайловчилари берган топшириқларни қандай бажараётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Вилоят кенгашига сайланган 150 нафар халқ депутатининг 87 нафари ХДП аъзоларидир. Бу сайловчиларнинг ХДП аъзоси бўлган депутатларга катта ишонч билдирганлигини кўрсатади.

ХДП аъзоси бўлган депутатлар ўз сайловчилари берган топшириқни бажариш учун қўлдан келган ҳамма ишларни қилмоқдалар. Ҳозирча улар сайловчиларнинг 76 та наказини бажардилар. 125 та топшириқ ижроси юзасидан иш олиб борилаётир. Лекин шу билан бирга, депутатлик бурчига масъулиятсизлик билан қараётган ХДП аъзолари ҳам бор. Бюро мажлисида сайловчиларнинг топшириқларини бажариш учун жон куйдирмаётган, сессиялар ва доимий комиссиялар ишида фаол қатнашмаётган депутатлар қаттиқ танқид қилинди. Улар орасида Сайҳунобод районидан сут соғувчи О. Жўраева, Комсомол районидан хўжалик раҳбарлари А. Нажмиддинов, А. Қоқиров, Сирдарё районидан пахтакор Ш. Латипов ва бошқалар бор.

ХДП вилоят кенгаши иж

• БУГУН—ЖАҲОН АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

● Маълумки, ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай даврда биз она заминни, атроф-муҳитни авайлаб асрамасак бўлмайди. Буни кейинги вақтларда юз бераётган Орол фожиаси ва бошқа экологик бузилишларнинг оқибатидан сезишимиз мумкин. Зеро, Она заминдаги бирор жойда фожиа юз берса, у бошқа жойларда ҳам акс садо беради. Шу боис ҳар йили Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни нишонланади. Бугун ҳам ана шундай кун. Хўш, бу кун нима сабабдан нишонланади? Унинг Ўзбекистонга қандай алоқаси бор? Биз ана шундай саволлар билан Ўзбекистон республикаси Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг раиси Ориф АЛИМОВга мурожаат қилдик.

— Аввало шуни айтиш керакки, табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро Иттифоқи 1956 йилда ташкил этилганди. Ҳозир бу иттифоқ уч юздан зиёд миллий, давлат ва жамоат ташкилотларини бирлаштириб туради. Унга етмиш мамлакат ва саккиз халқаро ассоциация ҳам бирлашган. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи табиий ресурсларни асраб қолишга йўналтирилган халқаро тадбирларни ҳаётга жорий этишга ёрдам беради. Шу соҳадаги энг яхши илмий-техника ютуқларини тарқатиш билан ҳам шуғулланади. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳар йили 5 июнни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни, деб эълон қилди.

Инсониятнинг ҳозирги ва келажак авлоди экологик фожиаларнинг олдини олиши, халқ хўжалиги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табиатни одамларга хизмат қилдириши, бу ўринда табиатга зарар етказмаслиги зарур. Бироқ афсуски, бу борада ҳали мақтанишга арзигулик ишлар бўлгани йўқ, десак бўлади. Масалан, бизнинг республикамизда иқтисодиётни экстенсив ривожлантиришга ҳаракат қилинганлиги туфайли асоссиз равишда катта массивлар ўзлаштирилди. Республикада коллектор-дренаж тармоқлари яхши ривожланмаганлиги учун 0,7 миллион гектар ер ишдан чиқиб, эррозияга учради. Тупроқнинг унумдорлиги пасайди, катта майдонлардаги тоғолди ва саҳролардаги яйловларга путур етди.

Қонунсиз равишда кесиш туфайли республика ўрмон хўжалигига ҳам зарар келтирилди. Кейинги 20—25 йил ичида тўқайлар саксон фоизга қисқарди. Тоғларда эса арчазорлар қарийб уч баравар камайди. Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ сингари катта дарёларимизда сувнинг сифати бузилди.

Саноат ва транспорт томонидан йилига 3,8 миллион тонна зарарли моддалар ҳавога чиқарилмоқда. Айниқса, Олмалиқ, Самарқанд, Қўқон, Ангрен, Қувасой, Фарғона, Жиззах шаҳарларида ҳавонинг ифлосаниши мўлжалдан 1,5—2 баравар ошиб кетган.

— Хўш, ана шу камчиликларни тугатиш учун ҳозирги пайтда нималар қилиняпти? Ахир мустақил республиканинг табиати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳим иш-ку?

— Биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Аҳолининг табиатни муҳофаза қилишда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида ўнлаб кўрик-танловлар ўтказилди. «Табиат» дорилфунунлари, табиатни севувчилар тўгараклари ташкил этилди. Қирқдан зиёд плакатлар, йигирмадан ортиқ илмий-оммабоп фильмлар яратилди.

Энг муҳим ишлардан бири — жамоатчилик ва матбуотнинг ташаббуси билан кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилиш жамияти томонидан Тошкент вилоятининг кўркам гўшаларидан бири —Угам—Чотқол комплексини сақлаб қолиш, бу ерда туризм ва меҳнаткашлар дам олишини яхшилаш учун миллий боғ ташкил этиш масаласи кўтарилди. Бу таклиф юзасидан Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Тошкент вилоятида Угам-Чотқол давлат миллий табиат боғи ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон республикаси ҳудудида шундай жойлар борки, у ерларда ажойиб доривор ўсимликлар сероб. Тўрт-беш минг хил турли доривор ўсимликларнинг 600 хилидан фармакология саноатида фойдаланиш мумкин. Бироқ ана шундай бой имкониятдан ҳам тўлиқ фойдаланилмади. Шу боис аҳолини дори билан таъминлаш ҳам муаммолигича қолмоқда. Буни ҳисобга олиб, биз ана шу ўсимликларни кўпайтириш, уларни йиғиштириб олиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш имкониятларини қидиряпмиз. Бу борада ўз таклифларимизни ҳукуматга етказдик ва шуни таъкидлаётганимиз, раҳбарлар бизни қўллаб-қувватлашди.

Республика ўрмон давлат қўмитаси системасида доривор ўсимликларни ўстириш, йиғиштириб олиш билан шуғулланадиган бешта давлат хўжалиги ташкил этилди.

Жамоатчилик, айниқса, Бўстонлиқ райони аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бузилаётганлиги, Чирчиқ дарёси юқори оқимида радиоактив чиқиндилар кўпайиб кетгани масаласини кўтаришди. Биз бу масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқдик. Бу масалани ижобий ҳал этиш учун тегишли тадбирлар кўрилди.

Автомобиллардан чиқаётган заҳарли газлар атроф-муҳитга зарар етказмоқда. Бу борада ҳам тегишли ишлар қилинди. Масалан, Бухоро вилоятида 12 мингдан зиёд автомашина текширилиб, улар тузатилди. Кўчма дигностика лабораториялари ишга туширилди.

— Ориф ака, маълумингизки, жумҳуриятимизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юзасидан бир мунча ишлар қилинмоқда. Ҳар йили баҳорда кўкаламзорлаштириш, кўчат ўтказиш, янги боғ ва токзорлар яратиш бўйича икки ойлиги ўтказилади. Лекин...

— Ҳа, ўша лекини бор. Чунки ҳар йили миллионлаб туп кўчат ва турли буталар экилади. Агар уларнинг ҳаммаси ўсиб, ривожланиб кетганда эди, юртимиз ўрмонзорга айланган бўларди. Афсуски, жойларда фақат хўжакўрсинга кўчат экиш давом этмоқда. Лекин барибир бу ишнинг самараси сезилиб турибди. Бу икки ойликларни ўтказиш 1987 йилдан бери анъанага айланиб қолди. Яхши натижа бераётган бу оммавий тадбирда барча хўжаликлар, ташкилотлар, муассасалар, олий, ўрта-махсус ҳунар-техника билим юртлари фаол қатнашмоқдалар. Жумҳурият бўйича ҳар йили 120—130 миллион туп атрофида турли кўчатлар экилаётир.

Ўтган йили республика бўйича 127 миллион туп кўчат экилди. 13,3 минг гектардан зиёд янги боғ, 7,3 минг гектар токзор барпо этилди. Бироқ бу йилги икки ойликда ўтган йиллардагидан камроқ кўчат экилди. Яъни атиги 85 миллион туп кўчат ўтқазилди, холос. Бунинг асосий сабаби шуки, кўпгина хўжаликлар иқтисодий қийинчиликлар туфайли кўчат сотиб ололмадилар. Бироқ шунга қарамай Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида режа ортиғи билан бажарилганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Эндиги вазифа экилган кўчатларни омон сақлашда қолган. Ўйлайманки, миришкорларимиз экилган кўчатларни ёз жазирамасида ҳам парваришлаб, суғориб, тўла ривожлантириб оладилар.

— Юртимизни чаман-чаман боғлар, дарахтзорлару ўрмонзорларга айлантириш учун яна нималар қилиш керак?

— Мени қувонтирадиган нарса шуки, бу йил Ўзбекистонни 110 га яқин чет эл мамлакати тан олди. Дунёдаги энг катта шаҳар — Нью-Йоркда республикамиз байроғи хилпирай бошлади. Энди мустақил Ўзбекистон жаҳонга ўзининг пахтаси, қоракўли ва бошқа маҳсулотлари билан бирга меваларини ҳам чиқариши керак. Ахир бу тайёр валюта-ку? Шу боис мен меҳнаткаш халқимизга ишонаман. Ваҳолонки, ҳозир деярли ҳар бир хонадонда мевали дарахт бор. Энди ҳосилдор боғларимизни кўпайтиришимиз зарур.

Бунинг учун меҳнаткаш халқимиз бор. Улар ўртасида дарахтларни севиб, боғ қилишга чин ихлос қўйганлар, бу ишга ҳаётини бағишлаган кишилар кўп. Ана шуларни рағбатлантириб туриш керак. Ана шунда Ризамат ота Мусамуҳамедовдек уста боғбонлар кўпаяди. Бинобарин боғлар кенгайиб, эл дастурхони мева-чевага тўлади. Табиий-иқлим шароитимиз яхшиланади...

Яна бир гап. Бундан роппа-роса йигирма йил бурун жаҳон бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида йирик анжуман чақирилганди. Ўшанда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муҳим дастур қабул қилди. Шу кунларда эса жаҳондаги давлатларнинг ҳукумат раҳбарлари Рио-де-Жанейрога тўпланиш арафасида. Бу анжуман биз Она-Ерни сақлаб қолишимиз учун сўнгги имкон, деб қаралмоқда. Жаҳон халқлари бу йўлда бирлашиб, яқдил ҳаракат қиладилар, деб ўйлайман. Ҳамонки, табиат бизнинг онамиз экан, уни сақлаб қолиш йўлида бу анжуман муҳим аҳамият касб этади, деган умиддаман.

Суҳбатни махсус мухбиримиз Ш. МИРҲАБИБОВ ёзиб олди.

Ёрдам кўрсатилаётир

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Бу ердаги Қорасув шаҳрида кетма-кет ёғингарчиликлар туфайли кўпгина бинолар шикастланди. Айниқса «Янги ҳаёт», «Пахтачи», Баҳромов номли маҳаллаларнинг аҳолиси қаттиқ зарар кўрди. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш ва жабр кўрганларга ёрдам бериш учун махсус комиссия ташкил этилди.

Суратда: Қорасув шаҳар ҳокими Муроджон Шерматов «Янги ҳаёт» маҳалласи аҳолиси билан.

Ш. АЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

ОДАМЛАР ФАРОҒАТИ ЙЎЛИДА

Муборак районидаги 30-«Гулистон» совхози марказини шаҳарчага қиёслаш мумкин. Хўжалик ташкил этилгандан буён 170 тадан кўпроқ коттеж типидаги ҳовли-жойлар қурилди. Турнақатор чиройли уй-жой ва маданий-маиший хизмат бинолари, кенг, кўчалар, равон йўллар ям-яшил посёлкага жуда ярашиқли.

— Ҳозир хўжаликнинг етти минг гектардан зиёд суғориладиган экин майдони бор, — дейди совхоз директори, ХДП аъзоси Тўра Йўлдошев, — Ҳар йили минг-минг тонналаб пахта ва ғалла етиштиряпмиз. 900 гектар майдондаги доннинг чўғи баланд. Шунингдек, 2660 гектар ерда ғўза ўстиряпмиз. Биргина ўтган йили етиштирилган пахтадан ҳозирча саккиз миллион 700 минг сўм соф фойда олинди.

Ҳа, ана шу маблағнинг асосий қисми хўжалик ҳудудида яшайдиган аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланяпти. Аҳолига ғалла берилмоқда. Муҳими — арзонлаштирилган нархда сотилмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи минг сўмдан ошиб кетди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи-жангчилар, кам даромадли оилалар ва меҳнат фахрийларига маъмурият томонидан моддий ёрдам кўрсатиляпти. Аълочи ўқувчиларга стипендия бериляпти.

Одамларга ўттиз гектар ер томорқа-участка сифатида бўлиб берилди. Сувга муҳтожлик йўқ.

Яқинда маиший хизмат уйи қошида атлас тўқиш кикич корхонаси иш бошлади. Янгидан ташкил қилинаётган тикувчилик цехи учун Японияндан еттита машина келтирилди. Пахта тозалаш заводи қуриляпти. Бу завод 20 минг тонна пахтани қайта ишлайди. Яқин келажакда, совхозда 90 та фермер хўжалиги тузилади. Уларда гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Аҳолини, мактаб ва болалар боғчасини гўшт ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлайди.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• ФАЛСАФА ФАНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ

● СССРнинг парчаланиши, унинг ўрнида мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши, жамиятда демократияланиш жараёни маънавий ҳаёт, дунёқараш соҳасида ҳам катта ўзгариш, янгиланишларга олиб келмоқда.

МАМЛАКАТНИНГ янгиланиш жараёни марксча-ленинча дунёқараш, фалсафа КПССнинг кундалик сиёсатига мослаштирилганлиги, унинг жаҳон ижтимоий ривожланишидан, табиатшунослик илмининг янги ютуқларидан ажралиб қолганини кўрсатди.

Узоқ тарихий ўтмишга эга бўлган, лекин марксизм-ленинизм таълимотига тобе этилган фалсафа фани бизда қурилган социализм манфаатларига бўйсундирилгани туфайли сунъий схемалар, ақидалар, мавҳум тушунчалар тизимига ўралиб қолди.

Ҳукмрон синфий дунёқарашимизнинг асосий мазмуни ҳисобланиб келинган марксча-ленинча назария эндиликда инсониятнинг маънавий ривожланиши тарихида ўткинчи тарихий бир босқичга айланди.

Барча ижтимоий-гуманитар илмлар, ҳар қандай илмий-текширишнинг методологик асоси бўлган марксча-ленинча фалсафа ҳам ўзининг ягона ҳукмрон мавқеини йўқотди.

Синфийлик, партиявийлик ўрнига умуминсонийлик мезонининг олға сурилиши, фикрлар хилма-хиллигининг дунёқараш соҳасида ҳам устун йўналишга айланиши фалсафа фанининг ҳам сиёсат сиртмоғидан қутулишига, унинг мазмуни ва ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақил тараққиёти ҳам янгича дунёқараш, фалсафа фанининг янгиланиш йўлидаги ривожига катта таъсир кўрсатади.

Фалсафанинг вазифаси дунёқарашнинг асосий принципларини шакллантириш, ўрганиш, таҳлил этишдир.

Маълумки, фалсафа энг қадимги фанлардан. Икки минг йилдан ортиқроқ ривожланиш даврида унинг предмети, вазифаси, тузилиши ўзгарди. Бойиб борди. Қадимги Юнонистонда эрамиздан аввал V—VI асрларда у ягона фан сифатида вужудга келди. Ундан аста-секин бошқа илмлар ажралиб чиқа борди. Хусусан, илк ўрта асрда Шарқ, Ўрта Осиё мутафаккирлари фалсафа илмининг сўнгги эволюцияси учун буюк хизмат кўрсатдилар. Уларнинг, хусусан, Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, ибн Рушдларнинг илмий фалсафий мероси Европада Ренессанс маданияти шаклланишида муҳим роль ўйнади. Европада сўнгги асрларда фалсафа илмида катта ютуқларга эришилди.

Марксизм фалсафаси XIX асрнинг охирларидаги табиатшунослик ҳамда ижтимоий тараққиёт ютуқларини ўзида ифодалади. Ўз даври учун илғор, борлиқни, ижтимоий ҳаётни янгича талқин этадиган концепция яратди. Лекин СССРда зўравонлик билан барпо этилган социализмнинг қулаши, ягона мамлакат парчаланиб, унинг ўрнига мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши, жумладан, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, бу тузумнинг сиёсий, мафкуравий, фалсафий асослари ҳам эскириб қолгани тарихан ўзини оқлай олмаганлиги, инсониятнинг сўнгги тараққиёти талабларига жавоб беролмаганлигини исботлади.

Аввало шуни айтиш керакки, биринчидан, марксизм-ленинизм классиклари асарларида келтирилган қатор фалсафий хулосалар ўз даври — XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари билан чегараланганлиги, ҳозирги XX асрнинг иккинчи ярмидаги тараққиёт тенденцияларини тушунтириш учун ожизлиги маълум бўлиб қолди.

«Диалектик ва тарихий материализм» номи билан машҳур бўлган бу марксизм фалсафасидаги материализм ҳам, диалектика ҳам ҳозирги замон табиат фанларининг буюк ва узлуксиз ютуқлари, ижтимоий тараққиётнинг тез ўзгарувчан янгиликларини тушунтириб беришда, илмий талқин этишда қудратсиз эканлигини намоён этмоқда.

Иккинчидан, ижтимоий фалсафанинг кўп қоидалари, масалалари бизнинг мамлакатда ооциализм қуриш жараёнида соҳталаштирилди. Замонавий ривожланишдан ажралиб қолган ақидага, қуруқ схемага айланди.

Марксча фалсафадаги бу замонага мос келмаслик, ақидачилик КПСС томонидан зўрлик билан ниқобланиб келинган бўлса-да, сўнгги ижтимоий ривожланиш томонидан фош этилди.

Учинчидан, фалсафа фани мамлакатимизда қурилган тоталитар социализмни асослаш ва оқлашга қаратилган мафкуранинг назарий асосига айлантирилди. Натижада сиёсатга қарам этилди. Фан сифатида илмий ва эркин ривожланиш хислатига катта зарар етказдилар.

Эндиликда марксча-ленинча назария ўтмишдир. У тарих саҳифаларидан ўрин эгаллайди. Лекин фалсафа илми инсоннинг маънавий юксалиши учун хизмат этишда, ўз ривожланишида давом этади.

Марксизм-ленинизм тоталитар мафкураси эркин фалсафий фикрни поймол этиб, КПСС сиёсатининг қуролига айлантирган эди. Маълум мафкура ғоя, сиёсат кишанига тушиб қолган фалсафий маданият эркин ва ҳақиқий ривожланишдан маҳрум этилди.

ФАЛСАФИЙ фикрнинг турли-туман йўналиш, шкалларда намоён бўлиши, унинг мунозараларда ривож топиши, фалсафанинг моҳиятидан келиб чиқади.

Идеалистик ва диний билиш неча минг асрлардан бери мавжуд. Ўз аҳамияти, ролини йўқотгани йўқ. Марксча-ленинча фалсафа ҳам уларга қарши шиддатли курашда ожиз эканлигини, уларни йўқота олмаслигини кўрсатди.

Фикрлар хилма-хиллиги ва эркинлиги фалсафа ривожининг энг муҳим принципи эканлиги ва бу принцип марксча-ленинча назария ҳукмрон бўлган йилларда бузилгани, инкор этилгани маълум бўлди.

Ҳозир марксча-ленинча фалсафанинг асосий принциплари, тартиби, моддийлик, объективлик диалектика принциплари ҳақида асосли танқидий фикрлар, уларнинг чегаралангани ҳақида мулоҳазалар олдинга сурилмоқда.

Марксча-ленинча фалсафанинг конкрет фан ютуқлари ва усулларидан ажраб, орқада қолгани очиқ маълум бўлиб қолди.

Барча масалаларда асосан зиддиятларни аниқлаш ва уни кучайтиришга қаратилган формулаларни қидириб топиш асосий вазифага айланган эди: идеализмми ёки материализм, социализмми ёки капитализм, дин ёки фан, коллективизм ёки индивидуализм, интернационализм ёки миллийлик — масала шундай қўйиб келинди. Эндиликда турли-туман, ранг-баранг ижтимоий ҳодисалар бир-бирини тўлдириши асосидагина ҳақиқий илмий билишни амалга ошириш мумкинлиги тасдиқланмоқда.

Ижтимоий ривожланишда турли зид ижтимоий синфий кучлар кураши тараққиёт манбаи деб талқин этилган бўлса, эндиликда бирга ривожланиш, турли кучлар муносабатларининг бир системасини вужудга келтириш ва бу билан инсон жамиятини қулашдан сақлаш умуминсоний қадриятлар шаклланишининг, узлуксиз универсал тараққиётнинг асосий қонунига айланмоқда. Бу синфий, ғоявий, сиёсий зиддиятларни ман этмайди ва йўқотмайди. Балки уларни умумуниверсал система, умуминсоний қадриятларини ва манфаатларини сақлашнинг заруриятига бўйсундиради. Зиддият ролининг бундай ўзгариши умумсистеманинг, инсоният жамоасининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бунда давлат, ижтимоий кучларнинг масъулияти, роли кучаяди.

Тарихий материализмнинг асосий қоидасини ташкил этувчи мулк шакли асосида жамиятни турли формацияларга ажратиш, унинг асосида келиб чиққан синф ва синфий курашни ижтимоий ривожланишнинг асоси қилиб қўйиш ўзининг чегаралганлигини кўрсатмоқда.

Формацион ёндашув жамиятимизни олдинги ва ҳозир мавжуд бўлган жамиятлардан бутунлай ажратиб қўйишга олиб келди.

Тоталитар социализмни мустаҳкамлашга қаратилган ва фалсафага янгилик сифатида киритилган «социалистик ҳаёт тарзи» шаклан миллий, мазмунан «социалистик маданият» каби тушунчалар ўзининг сунъий, фанга алоқаси бўлмаган сиёсат учун хизмат қилувчи уйдирмалар эканлигини кўрсатди.

Дин масаласида ҳам тасаввур тамоман ўзгарди. Динни инкор этиш, маданиятни динга қарама-қарши қўйиш эндиликда улар муносабатига, фикрлар хилма-хиллиги, дунёни билиш, инсоннинг маънавиятини шакллантиришда бир-бирини тўлдирувчи усуллар, таълимотлар сифатида талқин этишга ўз ўрнини бўшатмоқда. Динининг аҳлоқий масалалар билан узвий боғлиқлигини, у аҳлоқ-одоб, маънавиятни бойитишда муҳим манба эканлиги намоён бўлмоқда.

Инсон ва унинг шахсияти, инсон эркинлиги масаласини талқин этишда ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Марксча-ленинча таълимот инсоннинг индивидуал ҳислатларига, шахсиятига эътибор бермай, балки асосан ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг унга нисбатан белгиловчи характерини, жамоа манфаатларининг устунлигини исботлашга, инсонни синфий келиб чиқишига қараб кескин ажратиш, бир-бирига зид қўйишга қаратилган эди.

Шахснинг индивидуал ҳислатлари, руҳияти, маънавияти унинг ички оламе, камолоти, юксалиши, келажаги кабилар ҳозир турли фалсафий таълимотлар, диний оқимларнинг марказий масаласига айланиб бормоқда.

Маданият ривожининг муҳим меваси бўлмиш фалсафанинг ўзи маълум синфнинг, партиянинг манфаатини ҳимоя этиш, унинг бошқа синфларга қарши кураш қуроли эмас, балки инсоният камолоти, маънавий юксалиши ва ҳамдўстлигининг муҳим қуроли бўлмоғи зарур.

Инсон ҳар доим фалсафий илмларнинг марказида бўлиб келган ва яна шундай бўлмоғи керак. Унинг ҳар томонлама дунёқарашининг шаклланишини, илмий, маънавий, аҳлоқий, эстетик юксалувининг усуллари, воситалари, инсониятларини аниқлаш, ўрганиш, фалсафада етакчи роль ўйнамоғи зарур. Инсон ижтимоий ҳаётни, тарихни, маънавиятни вужудга келтирувчи фаол, ижодкор, яратувчи, реалликни узлуксиз янгилаб турувчи қудратли куч. Шундай экан, дунёқараш, илмий-фалсафий, ижтимоий фикр ҳам узлуксиз янгиланиб, кенгайиб, чуқурлашиб боради.

Фалсафа талқини соҳасидаги кризисдан чиқиш, йўл қўйилган хатоларни тузатиш, марксистик назариянинг универсаллигидан воз кечиб, унинг ўз даври билан чегараланганлиги, философия ривожидаги тарихий босқич эканлигини тан олиб, ҳозирги замон ижтимоий таълимотидан кенг ижодий фойдаланиш дунёқараш ривожи олдида турган асосий вазифадир.

МАДАНИЙ, маънавий меросни, бошқа ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганишда ҳам эндиликда марксча-ленинча назария ўзининг методологик аҳамиятини йўқотади. Биз ўтмишни ва ҳозирги ижтимоий ҳодисаларни марксча-ленинча ғоявийлик, синфийлик, партиявийлик сиртмоғида бир томонлама ёритиб, илмийлик, объективликдан чекиниб келган бўлсак, энди бундай заруриятдан қутилиш имкониятига эга бўлдик. Ҳозир эски методологиядан воз кечиб, тарихни ҳозирги талаблар асосида ёритиш, Исмоил Бухорий, Амир Темур, Машраб, жадидлар, босмачилик ҳаракати кабиларни янгича талқин этишда ўз ифодасини топмоқда.

Марксча-ленинча назариянинг ҳар томонлама танқиди, фалсафий билимларни тубдан янгилаш асосида:

Биринчидан, фалсафани синфийлик, партиявийлик принципидан, сиёсат сиқувидан озод этиш, уни инсоният тафаккури ривожи ҳақидаги ва инсоният тараққиёти учун ҳизмат қилувчи фан сифатида талқин этиш ғояси ётади.

Иккинчидан, фалсафанинг асосий фундаментал масалалари, категория, принциплари, структурасининг ҳозирги илмий тафаккур ютуғи, ижтимоий ривожланиш тенденциялари негизида юксалиши ҳақидаги фикр олға сурилади.

Учинчидан, фалафани ўрганиш, ўқитишга бир хил ёндашиш, бир хилликдан воз кечиш, унга ижодий қараш, ҳар бир халқнинг, миллатнинг маънавий бойликларини, хусусиятини назарга олган ҳолда ёндашиш принципи олға сурилади.

Тўртинчидан, фалсафани ўқитишни демократлаштириш ягона ғоя тарғиботчилигидан қутултириб, уни турли миллий-маданий қадриятлар, таълимотлар билан бойитиш, кўламини кенгайтириш ҳамда гуманизмнинг умуминсоний маънавият ва тафаккурнинг ҳозирги ривожланиш йўлига олиб чиқиш заруриятини олға сурилади.

Бешинчидан, эндиликда фалсафани ўрганиш, ўқитиш ва тадқиқ этишда ягоналикдан, бир хилликдан кўп хилликка, кўп қирраликка, фикрлар хилма-хиллигига ўтиш ғоясига асосланади. Бу йўл фалсафанинг қадимдан ривожланган тарихий йўлидир. У ҳар доим мунозарада, турли фикрлар тўқнашувида янгиланиб борган, бу фикрлар фалсафий тафаккурнинг турли қирраларини очиш, чексиз дунёнинг фалсафий тасаввури ва таҳлили учун хизмат қилган.

Бу принциплар ҳозир мустаҳкиллик йўлида қадам қўяётган Ўзбекистон Республикасида фалсафа фанини олдинги мафкура сиқувидан олиб чиқишда, унинг тараққиёт йўналишларини белгилашда, демак, бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Афсуски, ҳозир ижтимоий фанларда рўй бераётган ўзгаришлар айрим доиралар, баъзи табиатшунос олимлар орасида фалсафага нисбатан нигилизмни, унинг ижтимоий-маънавий ривожланишдаги аҳамиятига шубҳа билан қарашни уйғотмоқда. Бу фалсафани олий ўқув юртларида ўқитиш соатларини қисқартириш, камайтириш, бўладиган имтиҳонларни йўқ қилиш каби ҳаракатларда ўз ифодасини топмоқда.

Бу қадимий тарихга эга бўлган ва турли мамлакатлардаги маданий юксалишнинг олий даражасини ўзида ифодаловчи фалсафани марксизм-ленинизм мафкураси билан тенглаштиришдек тор фикрда бўлиш натижасидир.

• Дунёқараш, фалсафий тафаккур принципларидан бехабар бўлган ҳар қандай мутахассиснинг ўз соҳаси аҳамияти, унинг инсон билимлари системасидаги тутган ўрни ва уларнинг ўзаро муносабатини тушуниб етмаслиги, умумий маданий тасаввурининг тор бўлиши табиий.

Умуман, фалсафа эмас, марксча-ленинча фалсафа инқирозга учради. Фалсафани узоқ йиллик социалистик сиёсат диктатурасидан қутилтириш, уни ҳозирги табиий-илмий, янги ижтимоий-сиёсий ривожланиш билан бойитиш, илм-фан, жамият, инсоният тараққиёти, ютуқлари асосида янгилаш ва тўғри йўлга тушириб юбориш талаб этилади.

М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

ТАЛОН ТАРҚАТИЛМОҚДА

Транспорт ҳайдовчиларига янгитдан жорий қилинаётган талонларни тарқатишни уюшқоқлик билан ташкил қилишда Қорақалпоғистон Республикаси давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимлари жонбозлик кўрсатдилар. Маълумки, республика давлат автомобиль назорати бошқармаси раҳбарияти районлараро автоинспекция ходимлари иштирокида талонларни қайта тиклашни, уларнинг жорий қилинишини, тарқатишни тўғри ташкил этиш мақсадида қисқа муддатли курслар, семинар, кенгашлар ўтказган эди. Ана шу курсларда Қорақалпоғистондан 52 нафар назоратчи қатнашди. Ҳозир Қорақалпоғистоннинг тўрт жойида районлараро автомобиль назорати марказлари ишлаб турибди. Беруний, Қўнғирот, Чимбой, Нукус, шаҳарларидаги марказлар шулар жумласидандир. Ана шу марказлаштирилган автоинспекцияларда ҳайдовчиларга талонлар тарқатилмоқда. Нукус шаҳридаги районлараро автоинспекция марказида, Тахиатош, Хўжайли, Нукус шаҳар районлараро автоинспекциясида бўлган пайтимизда республика давлат автомобиль назорати бошқармаси ходими, милиция подполковниги Қ. Бердиев талонларнинг тарқатилиши тартиби ҳақида шундай изоҳ берди:

— Талонларнинг қайта тикланиши давлат автоинспекцияси ва транспорт ҳайдовчиларига нисбатан талабчанлик масъулиятини юклайди. Эндиликда улар тўла масъулиятни, жавобгарликни ҳис этадиган бўладилар. Илгари ДАН ходимлари йўл ҳаракатлари қоидаларини бузганликлари учун ҳайдовчиларга жарима солиш билан чекланиб қолар эдилар, Ҳайдовчилар эса бундан тегишли хулоса чиқариб олмасдилар. Талоннинг жорий қилиниши йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишга мос келадиган восита бўлиб хизмат қилади. Чунки, талон орқали ДАН ходими ҳайдовчининг камчилигини, айбини ва бошқа нуқсонларини аниқ кўрсата олади. Бу ҳайдовчининг қандай ишлаётганини ёки йўл ҳаракатларига қандай муносабатда бўлаётганини кўрсатиб турадиган бир кўзгудир.

Талон тарқата бошланган биринчи кунданоқ ходимларимиз фаоллик кўрсатиб, ишни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Нукус шаҳридаги районлараро автоинспекцияси маркази ходимлари давлат ва жамоат ташкилотлари, хўжаликлар, шахсий машиналари бор кишиларнинг қийналиб қолмаслиги учун талон тарқатиш ишларини икки сменада ташкил этдилар. Транспорт ҳайдовчилар паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, 10 сўм пул тўлагани ҳақида квитанциясини кўрсатса бас. Ҳар куни 1400—1550 ҳайдовчига янги талон тарқатилмоқда.

ДАН бошқармаси ходимлари талонларни тарқатишда айрим қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Чунончи омонат кассаларда тўлов квитанцияларининг йўқлиги, етишмаётганлиги ишимизга путур етказмоқда. Мутасадди ташкилотлар тўлов квитанцияларини билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатадилар, деган умиддамиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁ

ВИЛОЯТЛАРДАН ХАБАРЛАР

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

● **«СОҲИБКОР» узумчилик ва боғдорчилик ижара хўжалигида дастлабки саноат корхонаси барпо этилди.**

Бу ерда гилам тўқиш кичик корхонасини яратишда қўшни Тожикистон республикасининг Шаҳристон районидаги «Янгиқўрғон» давлат хўжалиги меҳнат аҳли яқиндан ёрдам берди. Ховос райони қўрғида ташкил топган кенжа хўжалик саноатчилари у ердан иш ўрганиб қайтдилар, бошқа ёрдамларни олдилар.

Ҳозирча янги кичик корхонада 15 нафар аёл ишламоқда. Яқин орада бу ерда 30—40 нафар уй бекаси — гилам тўқишга қизиққан хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўладилар. Район маҳаллий саноат корхонаси эса қўрқ хўжалик гилам тўқувчиларини мунтазам равишда хом ашё билан таъминлаб туриш мажбуриятини олди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ойига 10—15 тадан гулдор гилам тўқиб чиқарилади.

ҚИШЛОҚ ПОЙАБЗАЛЧИЛАРИ

● **БОЕВУТ районидаги Пушкин номли давлат хўжалиги бўлимларидан бирида Гулистон шаҳар пойабзал фабрикасининг филиали иш бошлади.**

Бу, ана шу фабриканинг қишлоқ жойларида очаётган биринчи шохобчасидир. Шохобчада аҳоли зич жойлашган хўжаликнинг 40 га яқин эркак-аёли иш топди. Яқиндан бошлаб бу ерда икки сменада иш ташкил этилиб, ўринлар сони 70 тага етади. Гулистон пойабзал фабрикаси маъмурияти энди Усмон Юсупов номли давлат хўжалигида ҳам ўз шохобчасини очишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

БЕПУЛ КИНО

● **ШУ йилнинг апрель ойидан бошлаб Сирдарё вилоятидаги 105 та кинотеатрнинг барчасида уруш ва меҳнат фаҳрийлари фильмларни бепул кўрадиган бўлдилар.**

Кинофильмларга янги нархларнинг жорий этилиши муносабати билан вилоят маданият бошқармаси отахон ва онахонларга ана шундай ўзига хос имтиёзни армуғон этди.

ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ

● **ЯНГИЕРДАГИ «Голодностепстрой» қурилиш-деҳқончилик саноати бирлашмаси тижоратчилари хайрли ишга қўл урдилар.**

Жонкуярлик туфайли бошқарманинг қурувчилар маданият уйида халқаро тижорат ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада ҳамдўстлик мамлакатлари йирик савдо, саноат шаҳарларининг вакиллари билан бир қаторда чет элдаги сармоядорлар ҳам таклиф қилинди. Ярмарка мутасаддиларининг таъкидлашича, ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган. Ярмарка иш бошлаган дастлабки куниёқ турли ташкилотлар ўртасида 20 га яқин битим имзоланган. Тижорат ярмаркаси иши Янгиер шаҳри билан бир қаторда қўшни Тожикистоннинг Ўратепа шаҳрида ҳам ўз ишини намойиш этади.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОТАНГ БОЗОР — ОНАНГ БОЗОРМИ?

● **Қадимдан отанг бозор — онанг бозор, деган гап бор. Чунки бозор азалдан харидорнинг ҳам, сотувчининг ҳам мушкулини осон қилган, ҳожатини чиқарган. Бугунги бозор эса барчага ўз «ҳукм»ини ўтказадиган бўлиб қолди. Бунинг бонси шуки, нарх-наво осмонда.**

Шунга қарамай, бозорларимиз одатдагидек гавжум, тўкин-сочин, пештахталардаги хилма-хил маҳсулотлар кўзни олади. Пишиқчилик эндигина бошланди. Мутахассисларнинг айтишича, бу йил мўл-кўлчилик бўлади. Гап шундаки, Президент фармонларига мувофиқ деҳқонларга ер берилиб, шахсий томорқа хўжаликлари эгаларига молиявий ёрдам кўрсатилянти, деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш учун имкониятлар яратиляпти.

Деҳқон етиштирган ҳосилни асосан бозорда сотишга одатланган. Бундан ташқари, жойларда шахсий томорқа эгалари ва ижарачилар етиштирган маҳсулотларни қабул қилиб оладиган тайёрлов идоралари ҳам мавжуд.

— Қаердан олиб келдингиз, Тошкентда ҳали бунақанги ўрик пишгани йўқ-ку?

Маълум бўлишича, сотувчи Юнусобод районида яшовчи Машҳура Солихонова экан. Эр-хотин бу ўрикни Конибодомдан олиб келишибди. Бозорда мол кўпайгани яхши, албатта. Аммо, бирники мингга, минникни туманга деганларидек, Машҳура опа каби бели оғримай, текин пул топишга ўрганган айрим кишилар касрига бозор нархи меъёри бузилмоқда.

Бозорнинг ҳўл мева расталарида помидор сероб. Лекин унинг нархи 25—30 сўмдан тушмаянти. Бодринг эса 10—12 сўм. Олтиариқдан помидор келтириб сотаётган Ҳасанбой Олимовдан: бунча қиммат деб сўраганимизда, ҳасратидан чанг чиқди:

— Эй, ака, кўраяпсиз-ку, уловидан тушови қимматга тушмоқда. Сарфлаган меҳнатимизни қўяверинг, ҳаражат кўп. Мана, бозорнинг ўзида ҳар куни ўттиз сўмга яқин ҳаражатимиз бор. Бир ўринга бугун 15 сўм тўладим. Кечқурун ҳужжатларни олаётганимда тарози учун яна 4 сўм тўлайман.

Қулупнай ва гилос билан савдо қилаётган кишилар ҳам 20—26 сўмдан жой ҳақи тўлаётганини айтишди. Бозор директори Б. Тошпўлатов буни бизга қуйидагича тушунтирмоқчи бўлди:

— Маҳсулотнинг тури ва эгалланган жойга қараб 10 сўмдан 26 сўмгача патта пули тўланади. Тарози ҳақи ҳам шу ҳисобга киради.

Аммо савдо расталарида маҳсулот сотаётган кишиларнинг аксарияти тарози учун қўшимча 4—5 сўм тўланаётганлигини айтишди. Бунинг тагига етиш учун тарози хўжалигига йўл олдик. Эндигина тарози топшириб чиқаётган нуроний онахонни тўхтатганимизда, тарозибон Ш. Мажидов уялиб қолди. У онахондан «инсоф қилиб» атиги бир сўм олган экан.

Шу куни деҳқонларга мавжуд 335 та тарозидан 232 таси берилибди. Гаровга эса паспорт ва 200—300 сўмгача пул олиб қолинаркан. Аммо барча трозилар ҳисоблаб кўрилганда 31 та кам чиқди.

Бундай кўнгилсиз воқеа Ж. Қодиров директорлик қилаётган Миробод («Госпитальний») бозорида ҳам кузатилди. С. Мухторов деган йигит Зангиотадан қулупнай келтирган М. Муҳиддиновадан тарози учун 5 сўм ортиқча ҳақ олган. Ваҳолонки, Мукаррам опа жой ва тарози учун 26 сўм патта пули тўлаган. Бир тоғора қулупнай сотиш учун шахсий хўжалик эгаси 31 сўмидан айрилибди. Бунинг устига мазкур бозорда патталар ўз вақтида тарқатилмагани оқибатида турли кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, деярли барча бозорлардаги тарозихонада тоғни урса талқон қиладиган азамат йигитлар ишлаяпти. Улар деҳқонларнинг оғрини енгил қилиш ўрнига чойчақага ружу қилишган.

Бозорлардаги айрим паттачиларнинг қилиқлари сотувчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Мирзо Улуғбек районидаги «Наврўз» бозори паттачиси Т. Ҳожиев, Юнусобод бозори паттачиси Р. Акбаров жой ва тарози учун бериладиган патталарни тарқатишда билиб-билмай чалкашликларга йўл қўйиш моқда. Р. Акбаров Зангиотадан келган М. Зупаровадан қулупнай сотгани учун 15 сўм олиб, патта беришни «унутган».

Кўп бозорларда «Ташгорплодоовошчпром»га қарашли сабзавот дўконлари бор. Улар аҳолига сифатли ва арзон маҳсулот сотиб, бозорда нарх-навонинг пасайишига таъсир этиши керак. Аммо Юнусобод бозори ҳудудидаги район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 16-сабзавот дўкони жамоаси айрим харидоргир сабзавотлар нархини ошириб сотишга одатланган кўринади. Сотувчи Э. Маркаевнинг қўли-қўлига тегмайди. Биров бодринг, яна биров помидор харид қилмоқда. Кўпчилик тўрхалталарга жойлаб қўйилган пиёз олмоқда. Сотувчи 5 сўм турадиган карамдан 850 грамм, килограмми 4 сўм деб сотилаётган пиёздан 2 килограм-у 700 грамм сотиб, 15 сўм олди. Текширувда шу нарса маълум бўлдики, у 3 сўм 10 тийин турадиган пиёзни устига тўқсон тийин қўйиб пуллай бошлаган.

Бундай юлғичлик сабабини магазин мудирининг ўринбосари С. Умарова шундай изоҳлади: «Аслида пиёзнинг нархи 3 сўм 10 тийин. Бу нарх қоғозида ҳам кўрсатиб қўйилган. Сотувчи негадир адашибди». Ажабо, 265 килограмм пиёзнинг деярли ярмиси адашиб», 4 сўмдан пуллаб қўйилибди...

«Ташгорплодоовошчпром»нинг Олой бозоридаги «Наврўз» деб аталувчи 1-савдотайёрлов корхонасида сабзавотлар сифати пастлиги сабабли арзон сотилмоқда. Пештахталардаги сарғайиб кетган карамларни бозордагига солиштиргудек бўлсангиз, ҳайратланасиз. Наҳотки, шуни карам деб бўлса. Бунинг устига сотувчи Б. Абдуллаев харидорга 18 сўм турадиган помидордан 2 килограмм тортиб, 50 грамм, яъни 90 тийин уриб қолди.

Ана энди ўзингиз айтингчи, отанг бозор — онанг бозорми? Аслида-ку, шундай бўлиши керак. Аммо ҳозирги қийинчиликлар даврида мадад бериш ўрнига турли найранглар билан кишиларни баттар қийнаётган кимсалар бор экан, бу мақолни бозорларимизга нисбатан ишлатиб бўлармикан?

Б. САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитетининг бош инспектори.

Ш. НОРБЕКОВ,
Давлат назорати комитетининг инспектори.

П. НИШОНОВ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ОСИЁ КОНТИНЕНТАЛ ХСУ ХАЛҚАРО САВДО УЙИ

ASIA CONTINENTAL ITH international trade house

КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Осиё — Континенталь» Халқаро Савдо Уйи сизни ҳар қандай хом ашё, материаллар (мосламалар ва товарлар билан истаган миқдорда таъминлашга тайёр эканлигини маълум қилади.

БИЗДА ҲАММА НАРСА БОР! Чунки биз Ўрта ва Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари орасида «Алиса» тизимидаги ягона вакил ҳисобланамиз. Биз минтақаларо, тармоқлараро «РИКО» тизимидаги тижорат-ахборот алмашиш ҳуқуқига эгамиз.

«Осиё — Континенталь» «NETWORK» Халқаро Ассоциациясининг аъзоларидан биридир. Бу ассоциацияга жаҳоннинг 90 мамлакатидаги халқаро савдо марказлари киради.

«Осиё — Континенталь» Халқаро Савдо Уйи акционер-муассислари орасида энг йирик корхона ва ташкилотлар, шу жумладан Тошкент эксковатор, Тошкент лак-бўёқ заводлари, «Узметаллургпром» давлат концерни, «Узбекхлопкомаш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш ташқи иқтисодий ассоциация, республикаларо «Изотоп» бирлашмаси «VERO» Венгрия — Россия фирмаси, «БЕСТ» савдо уйи (Минск), «Броквест» (Львов) фирмаси, «ВИК» (Донецк) фирмаси, «Чимкент — Алиса» биржаси, Липецкий (Липецк шаҳри) савдо уйи ва бошқалар бор.

«Осиё — Континенталь» Халқаро Савдо Уйи ўз акцияларига обуна бўлиш муддатини 1992 йилнинг 30 июлигача чўзганлигини маълум қилади. Акция баҳоси 50.000 сўм. Акция эгаларига 10 та акциядан битта савдо ўрни тавсия этилади. 50 та оддий акция эгалари халқаро савдо уйи муассислари таркибига кириш ҳуқуқига эга.

«Осиё — Континенталь» бу — товар билан таъминлашга шак-шубҳасиз кафолат берувчи, интизомли савдо уйидир. Биз сизнинг минтақангизда ўз ваколатхонамизни очиш тўғрисидаги таклифингизни, буюртмангизни кўришга, бажаришга ва қаноатлантиришга тайёрмиз.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, 700135, Чилонзор «Ц» мавзеси, 6А-уй. «Изотоп» (ТМП корхонаси).

Алоқа телефонлари: 76-54-10, 33-16-54.

Факс: 76-75-15.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛ ИНСТИТУТИ

1992—1993 ўқув йилининг

биринчи курсига қуйидаги бўлимларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. Кечки бўлимнинг қуйидаги йўналишлари ва мутахассисликларига (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда):

1. Муҳандис-механик йўналишига (кўтаргич-транспорт, йўл қурилиши машиналари ва жиҳозлари; автомобиллар ва автомобиль хўжалиги).

2. Муҳандис-қурувчи йўналиши (автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш).

3. Муҳандис-иқтисодчи йўналиши (қурилиш иқтисоди ва уни бошқариш, транспортда юк ва йўловчиларни ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш).

II. Сиртқи бўлимнинг қуйидаги йўналишлари ва мутахассисликларга:

1. Муҳандис-механик йўналишига (кўтаргич транспорт, йўл қурилиши машиналари ва жиҳозлари, автомобиллар ва автомобиль хўжалиги).

2. Муҳандис-қурувчи йўналишига (автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, кўприклар ва транспорт тонеллари).

3. Муҳандис-иқтисодчи йўналишига (бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, транспорт иқтисоди ва уни бошқариш, транспортда юк ва йўловчиларни ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш).

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга қабул қилиш муддатлари:

Кечки бўлимга:

— аризалар 11 майдан 4 июлгача қабул қилинади;
— кириш имтиҳонлар 6 июлдан 21 июлгача;
— талабаликка қабул қилиш 27 июлгача.

Сиртқи бўлимга:

аризалар 11 майдан 4 июлгача қабул қилинади.
— кириш имтиҳонлари 6 июлдан 21 июлгача;
— талабаликка қабул қилиш 27 июлгача.

Қабул тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли;
— 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
— 3х4 см ўлчамли 6 та фотосурат;
— ишлаш жойидан маълумотнома ёки меҳнат (жамоа хўжалиги аъзоси) дафтарчасидан тасдиқланган кўчирма, Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат кўрсатилади.

Олий ўқув юртида таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Олий ўқув юртига кирувчилар қуйидаги фанлар бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар. Кўтаргич— транспорт, йўл қурилиши машиналар ва жиҳозлари, автомобиллар ва автомобиль хўжалиги, автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, кўприклар ва транспорт тоннеллари мутахассисликлари учун

математика (ёзма),
физика (ёзма),
таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан (иншо).

Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, қурилиш иқтисоди ва уни бошқариш, транспорт иқтисоди ва уни бошқариш, транспортда юк ва йўловчиларни ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш мутахассисликлари учун

математика (ёзма),
математика (оғзаки),
таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан (иншо).

Кириш имтиҳонлари беш баллик системаси бўйича баҳоланади. Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль, танланган мутахассислик бўйича ўрта махсус ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар фақат математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Имтиҳон натижалари бўйича «аъло» баҳо олганлар қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар ва институтга қабул қилинадилар. Имтиҳондан «аъло»дан бошқа ижобий баҳо олганлар қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Олий билимгоҳга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1992 йил учун тасдиқланган қоидаларига биноан ўтказилади.

Қўшимча маълумотни олий билимгоҳ қабул ҳайъатидан олиш мумкин. Қабул ҳайъатининг манзилгоҳи: 700000, Тошкент, ГСП, Пролетар кўчаси, 20, ТАЙИ.

СПОРТ

БЕХАТО НИШОНЛАР

● **ТОШКЕНТДА мерганлик бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.**

Мусобақада Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистондан келган мерганлар ҳам иштирок этишди. Таниқли мерган, халқаро миқёсдаги спорт устаси Сергей Иваненко ПВ-9 машқи бўйича нишонни бехато уриб, ғалаба қозонди. Унинг ҳамшаҳри тошкентлик Энвер Осмонов МВ-6 машқи бўйича кўп очко тўплаб, ғолиблик супасига кўтарилди. Қозоғистонлик Галина Беляева икки машқда маҳорат кўрсатиб, кетма-кет ғолиблик супасига кўтарилишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Андрей Романов ҳам икки марта ғалаба қозонди.

МУНОСИБ НОМЗОД

● **ЎЗБЕКИСТОН шахматчилари жаҳон олимпиадасига пухта ҳозирлик кўришмоқда.**

Маълумки, 150 мамлакат иштирок этадиган бу йирик баҳсда Ўзбекистон Республикаси мустақил жамоа ҳисобида биринчи марта иштирок этади. Шахматчилар орасида халқаро гроссмейстер Валерий Логинов, спорт мастерлари Александр Нинашев, Григорий Серпер, Михаил Салтаев, Сергей Загребельний ҳамда мастерликка номзод, Ўзбекистон чемпиони Сандали Йўлдошевлар бор. Кунигеча ана шу номзодлардан бири — Григорий Серпер Варшавада ўтказилган халқаро мусобақада иштирок этиб, тўққиз имкониятдан 6,5 очко тўплади ва кучли ўнликдан жой олди. Жаҳон олимпиадаси эса 7 июнь куни бошланади.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

● **ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон кубогининг нимчорак финал учрашувлари ўтказилди.**

Учрашувларда асосан майдон эгалари устун келишди. Чунончи, «Сўғдиёна» — «Чирчиқ» 1:0, «Нефтчи» — «Шаҳрихончи» — 5:2, «Наврўз» — «Шифокор» — 4:0, «Мароқанд» — «Зарафшон» — 2:1, «Темирйўлчи» — «Норин» — 3:1, «Трактор» — «Косонсойчи» 2:0. Фақат бир ўйинда меҳмонлар устун келишди. «Заррангар» майдонида куч синашган «Атласчи» футболчилари дарвозага олти тўп киритиб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди. «Янгиер» — «Навбаҳор» учрашувида ҳисоб очилмади. Такрорий ўйинлар 14 июнда ўтказилади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш материаллари саноати вазирлигининг «Силикат» ишлаб чиқариш бирлашмаси

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мироқилов кўчаси, 68 «а» уй. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш материаллари саноати вазирлиги.

ТЕЛЕФОН: 54-94-48.

АГАР ХОҲЛАСАНГИЗ...

АГАР СИЗ ТЕЗ МУДДАТ ИЧИДА БОЙИБ КЕТИШНИ ВА БИЗНИНГ ҚИЗИҚАРЛИ РЕЖАМИЗНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ СИЗНИ ИШГА ОЛИШИМИЗ МУМКИН.

БУНИНГ УЧУН ЎЗИНГИЗ ҲАҚИНГИЗДА БИЗГА ЁЗИБ ЮБОРИНГ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, НАВОИЙ КЎЧАСИ, 40-УЙ. «ЭСКИ ЖУВА» БИРЛАШМАСИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш материаллари саноати вазирлиги жамоаси Самарқанд қурилиш материаллари комбинатининг директори

Ахтам ТЕШАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси институт декани, доцент А. С. Турсуновга онаси

Орзигул ТУРСУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода— 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—182.
Буюртма № Г—128.

Нашрга кўрсаткичи—64583.
№ 105.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди— 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.